

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта  
Махсус Таълим вазирлиги  
Самарқанд Давлат Чет Тиллар Институтини  
Джуракулова Ирода Авазовна  
Мақон дейксис ва унинг парадигматикаси  
(инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)**

**УДК 42 ДЖ 40**

**Мутахассислик: 5 А 120102 Лингвистика (инглиз тили)**

**Магистр академик даражасини олиш учун  
тақдим этилган диссертация**

**Илмий раҳбар: филол.фанлари номзоди, проф. Усмонов Ў.У.**

**Самарқанд – 2016.**

## Мундарижа

Кириш .....	4
Боб I Дейксис ҳодисасининг лисоний моҳияти.....	11
1.1. Матнда дейксиснинг ифодаланиши ҳақида .....	11
1.2. Қардош бўлмаган тиллар туркумида макон дейксисини ифодаловчи синтактик бирликлар.....	21
1.3. Инглиз ва ўзбек тилларида маконни ифодаловчи синтаксемалар ва уларнинг антецедент воситалар билан ўзаро муносабати.....	30
1.4. Инглиз ва ўзбек тилларида локатив синтаксемалар ва уларнинг антецедент воситаларини ўзаро муносабати.....	37
I боб бўйича хулосалар.....	52
Боб II Инглиз ва ўзбек тилларида маконни ифодаловчи коннотатив вариантлари.....	56
2.1. Локатив адессив семанинг коннотатив вариантлари.....	57
2.2. Локатив аллатив семанинг коннотатив вариантлари.....	62
2.3. Локатив аблатив семанинг коннотатив вариантлари.....	66
2.4. Локатив транслативнинг семанинг коннотатив вариантлари.....	70
II боб бўйича хулосалар.....	72
Боб III Инглиз ва ўзбек тилларида маконни ифодаловчи семаларнинг факультатив ва адвербиал вариантлари.....	74
3.1. Адессив семанинг факультатив ва адвербиал вариантлари .....	74
3.2. Аллатив семанинг факультатив ва адвербиал вариантлари .....	77
3.3. Аблатив семанинг факультатив ва адвербиал вариантлари.....	78
3.4. Транслатив семанинг факультатив ва адвербиал вариантлари.....	79

3.5. Объект семанинг факультатив ва адвербиал вариантлари .....	79
3.6. Инструментал семанинг факультатив ва адвербиал вариантлари.....	81
3.7. Тарз семанинг факультатив ва адвербиал вариантлари .....	85
III боб бўйича хулосалар .....	86
Умумий хулосалар .....	89
Фойдаланган адабиётлар рўйхати .....	93
Интернетдан олинган манбалар .....	98
Бадиий адабиётлар рўйхати .....	98

## КИРИШ

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг фан ва таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилиши тадқиқотчилар олдига тилшуносликнинг назарий ва амалий соҳаларига доир маъсулиятли вазифаларни қўйди. Бундай вазифалардан бири чет тилларини ўрганиш ва ўргатишнинг самарадорлигини ошириш ҳамда чет тилларини атрофлича чуқур тадқиқ қилишдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таъбири билан айтганда, “Бутун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун , чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир.” [1,8]

Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан бошлаб, унинг хорижий мамлакатлар билан бўлган алоқалари янада кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда. Чет мамлакатлари билан ҳар бир соҳада бўлаётган бундай алоқалар ўз навбатида хорижий тилларни мукамал билувчи , юқори малакали мутахассис – кадрларга бўлган эҳтиёжни кучайтирмоқда. Бу борада юртбошимиз И.А.Каримов ўзининг Фанлар академияси вакиллари билан бўлган учрашувда таъкидлаганидек, илм-у фаннинг чинакам равнақига эришиш учун ташқи дунёга эшикни кенг очиш керак. Жаҳон фани ютуқларидан вақтида тўла хабардор бўлиш тенгсиз аҳамиятга эгадир. Бунинг учун ҳар бир илмий ходим чет тилларини пухта эгаллаши лозим [2,9, VII].

Дарҳақиқат, тил воситасида ахборот алмашинуви, ўзаро ҳамкорлик, коммуникация вужудга келади. Илм-фан, техниканинг гуркираб ривожланиши ва илмий-техник ахборотнинг кенгайиши муносабати билан тилшунослик ва таржиманинг амалий аҳамияти ҳам ошиб бормоқда. Ўзбек тилида инглиз тили назарий ва амалий грамматикаси, инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаларнинг етишмаслиги кабилар инобатга олиниб,

уларга бўлган эҳтиёж бугунги кунда тилшунос олимлар олдига мавжуд муаммоларнинг ечимини топишдек муҳим вазифаларни қўймоқда.

Ушбу вазифаларни бажариш, албатта, биринчи ўринда лингвист-типологлар [42,176-178], германистлар [7.46-50], қиёсий ҳамда тилшунос тарихчилар ва социолингвистларнинг илмий ҳамкорлигини талаб қилади.

Дарҳақиқат, хорижий тилларни, жумладан, инглиз тилини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, айниқса, бу тилни ўзбек тили билан қиёсий тавсифлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Бундан ташқари барча тилларда гап қурилмасининг анъанавий синтактик таҳлили бугунги куннинг талабига тўлиқ жавоб бера олмаслиги, яъни гап таркибидаги синтактик бўлақлар кўр-кўрона бош ва иккинчи даражали бўлақларга ажратиб таҳлил қилиниши, ушбу birlikларнинг гапда иштирок этишида синтактик алоқаларни аниқлаш, синтактик birlikларнинг дифференциал белгилари ҳақида ҳамда уларнинг тил сатҳларидаги семантик майдонини ўрганиш ва уларни қиёсий-типологик жиҳатдан талқин этиш ҳозирги замон тилшунослари олдига қўйиладиган асосий талаблардан биридир.

**Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Мазкур ишда турли тизимли тилларда, жумладан, инглиз ва ўзбек тилларида локативлик категориясини ва уларнинг дейктик ҳодисаларини аниқ лисоний методлар асосида қиёсий таҳлил қилиб ўрганиш илк бор амалга оширилмоқда.

Маълумки, анъанавий грамматикаларда гап таркибида иштирок этган синтактик birlikларни гап бўлақларига ажратиб таҳлил қилиш ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди, шунга кўра гапнинг синтактик таҳлилига янгича ёндашувни тақозо қилмоқда.

Мазкур диссертация ишимизда гап қурилмасида локативлик категориясини ифодаловчи синтактик birlikларни бошқа birlikлар билан бўлган ўзаро синтактик алоқаларни аниқлаб, уларни юнкцион моделлар ёрдамида, уларнинг дифференциал синтактик белгиларини компонент

моделлар асосида синтагматик йўналишда таҳлил қилиш , ушбу компонентларнинг дифференциал синтактик-семантик белгиларини, систем муносабатлари парадигматикаси ҳамда уларнинг вариантларини ва дейктик хусусиятларини қиёсий таҳлил қилишни лозим кўрдик. Гап таркибида локативлик категориясини бундай комплекс таҳлил қилиш ҳозиргача ёритилмаган кўпгина жумбоқларнинг ечимини топиш ва уларнинг изоморфлик ва алломорфлик хусусиятларини аниқлаш билан алоқадор масалаларини аниқлаш билан алоқадор масалаларини аниқ тасаввуф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Диссертациянинг олдида қўйилган асосий мақсад инглиз ва ўзбек тилларида гап таркибида локативлик категориясининг вариантларини ва уларнинг дейктик ҳолатларини қиёсий тадқиқ қилишдан иборатдир.

**Тадқиқот вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, мазкур ишда ўрганилаётган масаланинг қуйидаги жиҳатларини ёритиш кўзда тутилган:

—қардош бўлмаган тиллар (инглиз ва ўзбек) тизимида локативлик ўрнида келган синтактик бирликларни морфологик жиҳатдан ифодаланишига кўра тавсифлаш;

—ҳар иккала тилларда локативлик ўрнида келган бирликларнинг гапдаги бошқа бирликлар билан бўлган синтактик алоқаларини ҳамда уларнинг дифференциал синтактик белгиларини юнкцион ва компонент қолиплаш усули ёрдамида аниқлаш;

—инглиз ва ўзбек тилларида локативлик ўрнида келган унсурларнинг дифференциал синтактик-семантик белгиларини тадқиқ этиш;

—ҳар иккала тилда локатив семаларнинг синтактик сатҳдаги вариантларини аниқлаб чиқиш;

—гап таркибидаги локатив семалар ва уларнинг вариантларини у ёки бу синтактик алоқа асосида бошқа семалар билан боғланиш имкониятларини очиш;

—мулоқот вазиятида нутқ субъекти ва объекти ўртасида юзага келдиган макон муносабатини ўрганиш;

—макон дейксисини ифодаловчи воситаларни таснифлаш;

—бадий матнда маконни ва унинг дейктик ҳолатини синтаксемаларга ажратиб тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг ифодалаган синтаксемаларни субстанциал локатив ифодалаган синтаксемаларга мутаносиблиги ва номутаносиблигини аниқлаш;

—локатив семаларни ифодаловчи синтактик birlikларнинг дейктик хусусиятларини ҳамда уларнинг матндаги синтактик ўрнини аниқлаш;

—локатив синтаксемалар ва уларнинг антецедентлари ифодалаган семаларни қиёсий- типологик жиҳатдан тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг изоморфлик ва алломорфлик хусусиятларини аниқлаш;

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Инглиз ва ўзбек тили қўшма гаплари ва микроматнда локативлик ўрнида келган унсурларнинг дейктик хусусиятларини ҳамда уларнинг дифференциал синтактик ва семантик жиҳатдан қиёсланиши тадқиқот объектини ташкил этади. Тадқиқотнинг предмети эса гап таркибида иштирок этган синтактик birlikлардан локативлик вазифасида ва антецедент воситасида келган унсурларнинг қардош бўлмаган тиллар мисолида типологик жиҳатдан қиёсий таснифланишини ўз ичига олади.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Жаҳон тилшунослигида, жумладан инглиз ва ўзбек тилларида ҳам иккинчи даражали бўлақлардан ҳолни талқин этишда турли хил ёндашувлар мавжуд. Хусусан, ҳол масаласига эътибор қаратилганда, ҳол гап бўлаги бўлиб, кесимга ва аниқловчига дахлдордир[15,291] ёки ҳол феъл ифодалаган гап

ҳаракат ёки ҳолат белгисини ифодаловчи гап бўлагидир[3;3-4;4], деган илмий фаразлар мавжуд.

Умуман олганда, ҳол ҳозирга қадар инглиз ва ўзбек тилшунослигида анъанвий услубда, яъни тасвирий методлар ёрдамида тавсифланиб келинмоқда. Бироқ буни таснифлашда ҳам ҳозирча бир тўхтамга келинмаган [6;53,54;36;34,56]. Ундан ташқари ҳол гап таркибида кесим ўрнида келган феълнинг маъноси асосида аниқланган [27;25]. Жумладан, ўрин ҳоли ҳам шу тарзда ўрганилган, аммо ўрин ҳоли ўрнида келган синтактик бирликларнинг синтактик сатҳдаги семантик майдони ва унинг вариантлари ҳамда матнда дейктик ҳолатлари қиёсий типологик жиҳатдан махсус монографик тарзда тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқот методлари:** Тадқиқот жараёнида локатив элементлар иштирок этган гапларни, уларнинг дейктик воситаларини инглиз ва ўзбек тилларда компонент ва синтаксемаларга ажратиб қиёсий таҳлил қилиш, дистрибуция ҳамда трансформация яъни эксперимент методлардан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Мазкур монографик ишда инглиз ва ўзбек тиллари гап қурилмасидаги локатив элементли синтактик бирликлар ҳамда локативликнинг дейктик ҳолатлари маълум лисоний методлар асосида қиёсий-типологик жиҳатдан таҳлил қилинди ҳамда улардаги изоморфлик ва алломорфлик хусусиятлари ёритиб берилди. Аниқланган синтактик бирликлар асосида синтагматик йўналишда синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик бирликлар, парадигматик йўналишда эса уларнинг дифференциал синтактик-семантик белгиларини тадқиқ этиш ҳамда уларни қиёслаш синтактик бирликларни тадқиқ этиш ҳамда уларни қиёслаш синтактик типологиянинг муҳим бир аспекти эканлиги кўрсатилди. Локатив элементли гапларнинг ва уларнинг дейктик ҳолатларини бундай ҳолатни синтактик таҳлили янгича ёндашув бўлиб, синтактик жиҳатдан тилларни қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этиш назариясини ҳамда дейксис ҳолатларни янада бойитишга хизмат қилади.

Ишнинг таҳлил натижаларидан назарий, амалий ва қиёсий-типологик грамматикаларга ҳамда бадиий матннинг тадқиқига доир дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратишда , юқори босқич талабалри учун синтактик типологиянинг долзарб муаммолари , систем тилшунослик бўйича махсус курс ўқиш ва ўқув қўлланмалари ҳамда услубий тавсияномалар тузишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий янгиликларга эришилди:

—локатив элементли гап қурилмасидаги синтактик бирликларнинг мазмуний ва шаклий хусусиятлари ва улар ўртасида ўхшаш ҳамда фарқли томонлари хусусида етарлича илмий фикрлар баён қилинди;

—гап қурилмасида ёки бадиий матнда локатив категориясини ифодаловчи тил бирликларининг функционал жиҳатдан синтактик ўрни аниқланди;

—локативликнинг дейктик ҳолатига ва матнда синтактик ўрнига кўра систем яъни компонентларга ва синтаксемаларга ажратиб қардош бўлмаган тиллар тизимида тадқиқ қилинди;

—қардош бўлмаган тиллар тизимида локативликнинг структуравий-семантик талқини махсус тадқиқот объекти сифатида биринчи ўринда ўрганилди;

—гапда ўрин ҳоли вазифасида келган элементларни, уларнинг дейктик ҳолатларини бошқа синтактик бирликлардан фарқлаган ҳолда, уларнинг компонент таркиби ҳамда ушбу элементларнинг синтактик сатҳда семантик белгилари аниқланди;

—локативлик ва унинг дейктик ҳолатидаги синтактик бирликлар ифодалаган синтаксемаларнинг ўзаро муносабати ва номуносабати атрофида ойдинлаштирилди;

—синтаксемаларнинг тизимли муносабатлари ,уларнинг вариантлари ҳамда моделлаштириш ,эксперимент методлари асосида ишлаб чиқилган

натижалар қардош бўлмаган тилларда локативликни қиёсий ўрганиш истиқболига кенг йўл очиб беришини кўрсатади;

—бадий матнларда локативлик ва унинг дейктик ҳолатларини синтактик сатҳда семантикасини лисоний методлар асосида тадқиқ қилиш натижалари синтактик таҳлил ва дейктик назарияларни, қиёсий типологик тадқиқотларни янада бойитишга хизмат қилади.

**Тадқиқот манбаи.** Диссертацияда таҳлил қилинган асосий тил материали инглиз , америка ва ўзбек адибларининг бадий асарларидан тўпланган мисоллардан ташкил топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация 98 бетдан иборат бўлиб, кириш, 3 боб, ҳар бир бобга хулосалар ва умумий хулоса, фойдаланилган илмий 67 та ва 6 та бадий адабиётлар рўйхатидан иборат.

## I БОБ

### ДЕЙКСИС ҲОДИСАСИНИНГ ЛИСОНИЙ МОҲИЯТИ

Маълумки бугунги кунда матн тилшунослиги соҳасида аксарият кўпчилик олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Матн тилшунослиги доирасида матнни таҳлил қилишда прагматик, когнитив, лингвомаданият, дейктик ҳодисаларни аниқлаш каби илмий ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар тўхтовсиз ривожланиб бормоқда.

Ишимизнинг ушбу бобида дейксис ҳодисалар, матнда дейксиснинг ифодаланиши, макон дейксисни ифодаловчи синтактик бирликлар, локатив синтаксемалар ва уларнинг дейктик ҳолатларини ўзаро муносиблиги, макон дейксисларининг локатив синтаксемаларга номуносиблиги кабилар ҳақида инглиз ва ўзбек тиллари мисолида қиёсий таҳлил қиламиз.

#### 1.1. Матнда дейксиснинг ифодаланиши ҳақида

Сўнгги йилларда жамиятимиз ривож ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ҳар жихатдан инсонпарварлашув жараёни зарурлигини, ижтимоий тизимининг тўлалигича инсон эҳтиёжларини қондириш сари йўналтиришни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам назарий ва эмперик тадқиқотларда инсон омилига ёндашувда сифат ўзгариши содир бўлмоқда. Маълумки, субъект онгли фаолиятининг ифодаси тил тизимида намоён бўлади, чунки у туфайлигина "...ҳар қандай нутқий жараён фикр объектига шахс муносабатини ифодаладиган субъектив омил билан боғлиқдир" [19,9] Баён қилинган фикр аслида нутқий жараённинг прагматик мазмуни бўлиб, у аниқ ёки мавҳум адресатнинг мавжудлигини акс эттиради.

Ҳозирги замон тилшунослигида номинатив бирликларнинг мулоқот жараёнида бажарадиган вазифалари нуқтаи назаридан дейктик номлашнинг ўзига хос тури сифатида қаралади. Дейксис ҳам ўз навбатида ахборотни аниқ узатиш учун хизмат қилади.

Дейксиснинг ўзига хос хусусияти ушбу гуруҳдаги бирликларнинг луғавий маъносига нисбатан ноаниқ бўлиши ва у фақатгина муайян матнда

намоён бўлишидадир [47,331]. Шунингдек, дейксис , нутқий фаолиятнинг замон ва макон кўрсатиши билан бир қаторда , мулоқот матнининг яхлитлигини таъминлаш учун ҳам хизмат қилади.

Умуман олганда, “дейксис” атамаси юнон тилидан олинган бўлиб (deixis), “кўрсатиш”, “ишора” каби маъноларни англатади. Юнон грамматикачиларининг фикрича, олмошларнинг отлардан асосий фарқи , олмош предметнинг ҳеч қандай хусусиятини англатмай, фақат уни кўрсатиш (унга ишора қилиш) билан чегараланади.

Немис тилшуноси К.Бюлер дейксиснинг ифодаланишига кўра учта тури мавжудлигини қайд этаган: 1) аниқ, равшан кўрсатиш; 2) анафорик кўрсатиш; 3) фараз қилинаётган объектни кўрсатиш [13,75].

Айрим тилшуносларнинг таъкидлашича , дейктик иборалар “коммуникация фаолиятининг аспектилари ” да [49,39], “экстралингвистик контекстнинг хоссалари”да [43,259], ҳамда “фикр контексти ёки нутқ фаолиятининг хусусиятлари ”да [58,84] аниқ манба ёрдамининг кўлланишисиз ифодалана олмайди.

Дейксис тизимининг марказида сўзловчи шахс туради ва унинг макон ва замонда ўрин олиши бошланғич нуқта бўлиб қолади. Дейксис сўзловчининг нутқ фаолияти жараёнида маълум маконда жойлашганлигини белгилайди. Шунини ҳисобга олган ҳолда , В.Ф. Ханкснинг таъкидлашича , дейксис дискурс даражасида ўрганилиши керак ҳамда ҳаволанинг махсус ҳолати сифатида эътироф этилиши мумкин [51,46].

В.В.Жура ва В.И.Шаховскийлар эмоционал дейксис борасида қилган тадқиқот ишлари диққатга сазовордир [37,39]. Чунки нутқий мулоқот жараёнида инсоннинг ҳис-туйғуси, унинг воқеликда кечаётган ҳодисаларга нисбатан шахсий муносабатларини билиш ҳам муҳим дейктик воситалар орқали намоён бўлади.

Дейксис ҳақида Э.Бенвенистнинг таъкидлашича, субъективлик сўзловчининг воқелик идрок этиш фаолиятида намоён бўлади, яъни “мен” нутқий фаолиятни бажарадиган шахс бўлиб, “сен” – ушбу нутқ фаолият

воситасида мурожаат қилинадиган шахсдир. Бу доимий ва бажарилиши шарт бўлган боғлиқлик нутқий фаолият билан биргаликда “мен”, “сен” билан бир қаторда турадиган кўрсаткичлар гуруҳини, яъни олмошлар, равишлар, равишли бирикмаларни қамраб олади. Субъективлик мазмуни доирасига , бундан ташқари грамматик замонлар тизими ҳам киради [9, 292-300]. Аммо, унинг фикрича , кишилик олмошлари тилда субъективликни билдиришда асосий таянч нуқта бўлиб, кўрсатиш олмошлари, равиш ва сифатлар эса субъект атрофидаги макон, замон муносабатларини ташкил қилади.

Р.О.Якобсон эса дейктик элементларни “шифтерлар”деб атади ва бу туркум маълум бир ахборотни кодлаштириш учун хизмат қилувчи воситалар сифатида қараб, кишилик олмошлари шифтерларнинг типик тури деб ҳисоблайди. Шифтерлар таркибига замон, шахс ва майл категорияларини ҳам киритади [41,95-113].

У.Вейнрейх дейкис билан боғлиқ сўзлашув ҳолатларига қуйидаги таркибий қисмларни киритади: фикр муаллифи ( I шахс), фикр адресати (II шахс), нутқ пайти (грамматик замон) ва ушбу нутқ фаолиятининг бошқасига ўхшаш ёки ўхшаш эмаслигини кўрсатувчи белгилар (анафора, ўтимсизлик) кабилар[14,178]. У.Вейнрейхнинг фикрича шахсни кўрсатишда сўз туркумларининг имконияти бир хил эмас. Шахснинг тафовут белгиси сифатида биринчи галда от характерланади. Феъл эса фақат от билан мослашади. Мавжуд барча тилларда бошқа шахслар ўрнида қўлланиладиган ўриндошларга (проформалар) эга. Бу ўриндошлар сўз туркумлари бўйича турли тизимли тилларда ҳар хил тақсимланади.

Америка тилшуноси Ж.Лайонз ўзининг бир рисоласида дейкис марказида турган шахс категорияси ( замон ва макон дейкиси билан бир қаторда) нутқ вазияти иштирокчилари бажарадиган вазифалар воситасида аниқланади: “биринчи” шахс ўзига нисбатан мулоқот субъекти вазифасини бажараётганлигини кўрсатиш учун қўлланади; “иккинчи ” шахс суҳбатдошни ёки тингловчини кўрсатувчи белгидир; “учинчи” шахс эса мулоқот субъекти

ёки сўзловчи ва тингловчидан ўзгаларни (бошқаларни) ажратиш учун қўлланади[20,291-297].

“Учинчи” шахс “биринчи” ва “иккинчи” шахслардан бир неча хусусиятлари билан фарқ қилади. Маълумки, мулоқот жараёнининг барча ҳолатларида сўзловчи ва тингловчи иштирок этади, учинчи шахс вазифасини эгаллайдиган шахс ва предметларнинг иштирокини ихтиёрий, айрим ҳолатларда уларни аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам учинчи шахс “аниқлик” ва “ноаниқлик” категорияларига эга бўлиб, у шулар асосида намоён бўлиши мумкин. Бу ҳодисани инглиз тили мисолида қаралганда, *he, she, it* кишилиқ олмошлари “аниқлик” категорияси ҳисобланса, *someone, somebody, something* каби олмошлар аниқлик категорияси мазмунига қарама-қарши маънони ифодалайди. Бу борада Ж.Лайонзнинг яна бир фикрига асослансак, у анъанавий грамматикаларда “шахс” ва “сон” категориялари муносабати етарли даражада талқин қилинмаган. Масалан, *I* ва *we* ( кишилиқ олмошлари *I* шахс бирлик ва кўплик) шакллари муносабати ҳеч ҳам *boy-бола, boys-болалар* ўртасидаги муносабатга тўғри келмайди. *We* олмоши “мен” ва яна бир (ёки бир неча киши) шахс мазмунида тушунилиши керак. Демак, *we* олмоши *I* олмошининг кўплик шакли эмас, аниқроғи у бирлик олмоши *I* билан муносабатда юзага келадиган кўплик мазмунини ифодалайди [20,232].

Шундай қилиб, Ж.Лайонз дейктик категориялари сифатида кишилиқ ва кўрсатиш олмошлари, шунингдек, равишлар ҳамда хурмат маъносини ифодаловчи бирликларни киритиш билан бир қаторда феълнинг замон шаклини ҳам қўшади. Дейксиснинг “эгоцентриқ”(эгомарказли) талқинига асосан ишора белгиларининг маъносида сўзловчи шахсига нисбатан белгиланадиган “мувофиқлаштирувчи марказ” тушунчаси восита тавсифланади. Мулоқот жараёнида сўзловчиларнинг ўрни алмашиб туриши муносабати билан дейктик марказ ҳам ўзгаради.

Бундан ташқари Ж.Лайонз, ўзининг “Semantics” асарида дейксис муаммосини янада кенгроқ талқин қилган. Ушбу асарда муаллиф юқорида

кайд этилган дейктик категориялардан ташқари аниқ артикли от бирикмаси, дейксис ва анафора муносабати, матн дейксиси , замон ва макон мазмунидаги тузилмалар таркибидаги дейктик бўлақлар каби бир неча масалалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб, дейксис ҳодисасининг таърифини қуйидагича изоҳлайди: “ Ҳеч бўлмаганда бир сўзловчи ва тингловчи иштирокини талаб қиладиган мулоқот вазиятида вужудга келадиган замон-макон матнида намоён бўладиган шахс, предмет, ходиса, ҳаракатларни белгиловчи , уларнинг ўрнини кўрсатувчи бирлик дейксис деб талқин қилинади” [59,637]. Айнан шунга ўхшаш таърифни Ч.Филморнинг асарида ҳам учратиш мумкин.У дейктиклар гуруҳига “... маъноси ўзлари қўлланилаётган гап таркибида аниқланадиган лексик ва грамматик бирликларни” киритиб, ушбу гапнинг “маълум ижтимоий вазият матни билан боғлиқ бўлишини ” алоҳида таъкидлайди [50,75]. Олим дейксиснинг тўрт турини , яъни замон-макон, ижтимоий муносабат , матн дейксиси кабиларни бир-биридан фарқлашни таклиф қилади. Ижтимоий (социал) дейксис яъни ҳурмат- эҳтиром шакллари турли тилларда тадқиқ қилинган ( Helmbrecht,2003;Рахимов,1985; Макаров, 1988; Мўминов, 2000 ва бошқалар), матн (дискурс) дейксиси айнан шу матннинг бошқа қисмларига ишора ва ҳаволалар тизимидир.

Кейинги йилларда кўпгина хорижий тилшунослар дейксиснинг қуйидаги турларини эътироф этмоқдалар: discourse deixis; emphatic deixis; person deixis; place deixis; time deixis.

Айрим тилшунослар замон ва макон дейксисларини қуйидаги мисоллар сифатида қайд қиладилар:

Time deixis: а) мулоқот жараёнида ёки унга яқин пайтда: now this time–two weeks from now

б) мулоқотдан олдин бажарилган пайт:  
then-that time-last week

в) мулоқотдан кейин бажариладиган пайт:  
tomorrow-in seven days-next April

Place deixis: a) -that place-this city

б) there-this ranch-these parks

в) this place –those towers over there – yonder mountains

Макон дейксисини ифодаловчи иборалар юқоридаги мисолларда кўрсатилганидек, фикрнинг ўрин-жой ҳақидаги концептуал хабарини талаб қилади [48,163] .

Маълумки тилшуносларнинг фикрича бирламчи ва иккиламчи дейксислар бўлиши мумкин. Бирламчи ёки туб дейксисда кўрсатиш “сўзловчи- шу ерда- ҳозир”(speaker- here - now) дейктик марказида юзага келади. Дейксис иккиламчи хусусиятга эга бўлганида марказ мавҳум тус олиб, тасаввур қилинаётган субъектга учинчи шахс олмоши воситасида ишора қилинади. Анафора кўринишидаги дейксисда ҳам кўпроқ олдинги нутқий матнда эслатилган референт ишора қилиш мазмунига эга бўлган учинчи шахс олмоши фаоллашади. “Мен”, “сен”, “шу ерда”, “ҳозир” каби бирликларга деярли мурожаат қилинмайди [66].

А.А.Уфимцева дейксиснинг тил лексик–семантик тизимида тутган ўрнига кўрсатишнинг уч турини фарқлашга ҳаракат қилади, яъни 1) субъектив кўрсатиш воситалари; 2) объектив кўрсатиш воситалари; 3) матн ички таркибига оид кўрсаткичлар [35,176]. Субъектив кўрсатиш воситаларига кишилиқ олмошлари, кўрсатиш олмошлари ва қисман эгалиқ олмошлари киритилади; объектив кўрсатиш воситаларига турли хилдаги равишлар, маконга ишора қилувчи предлог ва послелоглар киради. Мазмунидаги номланиш маъно бўлаги билан бир қаторда , дейктик кўрсатиш маъноси бўлган ушбу сўзлар “ярим дейктиклар” деб аталади; матн ички таркибига оид кўрсаткичлар эса анафора, эпифора, коррелатив муносабатлар заминида юзага келадиган дейксис бир бутуннинг қисмлари ўртасидаги боғлиқликни шакллантириш учун хизмат қилади.

Умуман олганда, юқорида айтиб ўтилган кўрсаткичлар ҳар қандай турдаги дейктик матн қурилиши учун хизмат қилишини назарда тутиб, асосий эътиборни лисоний бирликларнинг дейктик марказга тутган ўрни ,

уларнинг ёзувчи (сўзловчи) ва китобхон (ўқувчи) ўртасидаги муносабат ва мулоқот ҳаракатини белгилашда бажарадиган вазифаларини дифференция қилишга эътиборини қаратиш лозим. Айтиш лозимки, ўқувчи ва тингловчини матнда баён қилинаётган воқеа- ҳодиса иштирокчисига айлантириш ҳамда ушбу баёнга ишонтириш матн муаллифининг асосий мақсади бўлиб, айнан шу мақсад дейктик майдон доирасида юзага келади. Бу майдоннинг таркибий қисмини ташкил қилувчи воситалар what, who, when, where кабилар референтларининг мазмун муносабатларини таҳлил қилиш “дейктик кўчиш назарияси” (deictic shift theory) нинг асосий мақсадидир [ 69 ].

Айрим тилшунослар матн дейксисини алоҳида тур сифатида ажратмасдан, фақат субъектив ва объектив кўрсаткични ҳисобга олиб, объектив дейксис вазифасини ҳаракат йўналишини кўрсатувчи ( go forward, come back, go away, etc.) равишлар ифодалаши мумкин [33,18].

Дейксиснинг тор маънодаги тавсифига кўра, унинг мазмуни сўзловчига ишорадан иборат , аммо бундай ҳолат дейксис ҳодисасини чеклайди ва уни ўта даражада соддалаштиради ва тил тизимида мавжуд бўлган дейктик воситаларнинг энг муҳимларини эътибордан четда қолдиради. Шу аснода Э.А.Падучева ва С.А.Крыловаларнинг ўринли таъкиди мавжуд: “ ... дейксис марказида фақатгина сўзловчи ва нутқ предметини ажратмасдан, унга мувофиқлаштирувчи қисмни ҳам киритиш лозим. Ушбу қисмларнинг ўзаро муносабати асосида дейктик воситалар ётади [23,95].

Бундан ташқари Х.Исламджонованинг таъкидклашича, “сўзловчининг нутқий тузилма таркибидаги иштироки ҳар хил кўринишда бўлиши мумкин. Зотан, бу иштирок шахснинг воқеликни кўриш, сезиш ҳамда идрок этиш хусусиятида касб этади. Воқелик идрокидаги фарқ эса унинг – сўзловчининг қай даражада қизиқтириши ёки диққатини жалб қилиши билан боғлиқ” [17,5].

Бундан келиб чиқадики, ҳаракат майдони асосида сўзловчининг туриши шарт эмаслиги ҳақида фикр баён этилган. Бу масалани И.А.Стернин ҳам эътироф этган: “... дейктик бирликларни мувофиқлаштирувчи марказда нутқ

вазиятида мавжуд бўлган шахс ва предмет туриши мумкин, лекин бу шахснинг ўзи сўзловчи бўлиши шарт эмас” [33,7].

Е. Кларк инглиз тили ҳаракат феълларининг (come,go,bring) матнда кўлланилиши ҳақидаги тадқиқотда, “ феъллар семантикасида шахс, замон ва макон дейктик семаларидан ташқари камида яна иккита дейктик категория, яъни меъёрий ҳолат ва баҳо категориялари ўз ифодасини топишини таъкидлайди” [46, 316].

Ушбу масалада В.Ф. Перетокина ҳам дейктик марказ тушунчаси доирасига шахснинг жисмоний соғломлиги, рухий тетиклиги, хушёрлиги, соғлом тафаккури каби баҳо бериш, меъёрни белгилаш учун қила оладиган ҳолатларни киритиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, шахс дейксиси ифодасида унинг ҳолати меъёрини инобатга олишни назарда тутди. Натижада мулоқот иштирокчисининг ички кечинмаларини аташ учун “шахсий (индивидуал) дейксис” тушунчасини киритади [26,76]. Шунга ўхшаш тадқиқотлардан бирида Э.И.Шейгаль дейктик марказни аниқлашда баҳо белгисининг миқдорий кўрсаткичлари муҳимлигини уқтириб, “Миқдорий -баҳо” атамасини олган ушбу дейксис тури сўз, сўз бирикмаси, гап таркибида баҳо категорияси кўпинча имплицит ҳолда ифодаланди. Аммо, бу турдаги дейксис сўз бирикмаси ва эргаш гапли қўшма гапларда эксплицит тарзда ўз ифодасини топади [38,153] .

Юқорида келтирилган далиллардан маълумки, дейксис ҳодисаси кенг қамровли бўлиб, кейинги йилларда тилшунослар учун долзарб муаммолардан бирига айланиб қолганлигининг гувоҳи бўлдик. Ушбу мавзуга бағишланган тадқиқотлар сони кескин ўсди ва уларда дейксис ҳодисасининг турли томонлари тадқиқ қилинган. Жумладан, дейктик бирликларнинг семантик ва прагматик хусусиятлари билан бир қаторда О.Д.Афанасева (1989), О.Е.Максимов (1989), Н.Г.Ризен (1990), М.П.Кравченко (1982), А.В.Алферов (2001), R.Jacoff (1974), J.Barnden, E.Iverson,S.Helmreich,S.Gees (1994), В.В.Жура (2000), Е.Ф.Дженз (2003), уларнинг таркиб топишидаги роли чуқур ўрганилмоқда. Ундан ташқари дейксис ҳодисаларни қиёсий-типологик

жихатдан ўрганишга кескин қизиқиш ҳам ўсмоқда. Жумладан, Л.А.Булаева, Д.А.Меленчук, С.С.Петров (1989), Д.В.Бедерэу (1989), Л.А.Илюшечкина (1995).

Юқорида келтирилган тилшуносларнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда, дейксис талқинига атрофлича эътибор қаратилганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу борада Ш.Сафаровнинг таъкидлашича, “... тил ва нутқни бири-биридан озуқа олувчи, яхлитликда фаолият кўрсатувчи тизимлар сифатида тасаввур қилишдир. Уларнинг яхлитлигини таъминловчи омил ва воситаларни аниқлаш борасидаги илмий изланишларнинг махсули тилшунослик фани таракқиётида ўз ўрнини топади. Тил тизими ва унинг нутқий фаоллашуви ўртасидаги “воситачилик” ,“ҳакамлик” ролини тилшунослар бекорга дейксис ҳодисасига бағишлаётганлари йўқ” [2008,153]. Демак, тил тизимининг ўзи нутқий фаолият натижасида мавжуддир, унинг табиати ва моҳияти нутқий мулоқот жараёнида намоён бўлади. Шу асосда тил бирликларининг маъно хусусиятлари нутқда воқеланади, аниқ тус олади, ҳар бир сўзловчи ёки матн муаллифи воқеликда кечаётган ҳодисани ўзича идрок этади, уни маълум макон ва замон чегарасида тасаввур қилади ва кечаётган ҳодисани замон-макон майдонига жойлаштириш билан боғлиқдир.

Локативликни ифодаловчи дейктик воситалар шахс ва предметларни нутқий мулоқот жойидан яқинда ёки узоқда жойлашишига нисбатан тавсифлаш мақсадида қўллаш мумкин. Мазкур тавсифда маконнинг узоқ ёки яқинлиги нафақат сўзловчига – адресатга нисбатан ҳам белгиланиши мумкин. Яна қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ҳаракатнинг ким томонга йўналиш олиши ҳам дейктик восита қўлланишига таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, дейксис ҳодисаси билан шуғулланган тилшунослар макон ва замон дейксисларидан қайси бири муҳимроқ аҳамиятга эғалигини аниқлашга ҳаракат қиладилар. Ушбу баҳснинг пайдо бўлишига асосий сабаб, бу икки турдаги дейксиснинг, яъни макон ва замон дейксиснинг матн таркибида ўзаро муносабатда бўлиши, яъни бири иккинчисини тақозо этишидадир. Аммо, макон дейксиси замон дейксисига нисбатан мантиқ

жихатдан ва нутқий фаолиятидаги ўрни жихатидан муҳимроқ кўринади. Чунки макон дейксиси билан яширинча ҳолда бирикиб кетиши ҳам мумкин.

Дейксисшунос олимларнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда макон дейксиси мулоқот жараёнида сўзловчи ёки муаллиф ва суҳбатдош ёки китобхон эгаллаган ўринга ҳамда иш-ҳаракатнинг бажарилганлиги, бажарилиши ёки содир бўлиш ўринга ишора қилиш, эслатиш, кўрсатиш кабилар макон дейксиси мазмунини ташкил қилади. Аксарият кўпчилик олимларнинг таъкидлашича, макон дейксисини ифодаловчи воситалар сифатида инглиз тилида *here, there, over there* ўзбек тилида эса шу (бу) ерда, у (ўша) ерда кабилар тан олинган [30,172;38,95].

Ишнинг мазкур бобида биз асосан микроконтекстда олдинги ўринларда локативликни ифодалаган синтактик бирликларга макон дейксиси воситалари билан ишора қилинган бирликларни инглиз ва ўзбек тиллари мисолида қиёсий синтактик-семантик тадқиқ этишни мақсад қилиб қўйдик.

Демак, макон дейксисини анафорик боғловчи сифатида қўлланиладиган воситаларни инглиз ва ўзбек тиллари бадиий микромаатнлар асосида синтаксемаларга ажратиб қиёсий таҳлил қилишдан иборат. Яъни гап қурилмасида инглиз тилида предлог +от, ўзбек тилида от туркумининг турлича келишиклар қўшимчаси ёрдамида ва от +равиш +келишик қўшимчалари асосида ифодаланган локатив синтаксемалар вариантлари билан макон дейксиси ифодаланган синтаксемаларнинг ўзаро мутаносиблиги ёки номутаносиблигини қиёсий тадқиқ этишдир.

Диссертациянинг иккинчи бобида инглиз ва ўзбек тилларида субстанциаллик категориал белги асосида локативлик категориясининг ифодаланишига кўра локатив адессив, локатив аллатив, локатив адессив, локатив транслатив, локатив объект, локатив инструментал, локатив тарз синтаксемалар аниқланиб, уларнинг бир-биридан фарқ қиладиган томонлари очиб берилди ҳамда гап қурилмасида субординатив алоқа асосида қандай синтаксемалар билан боғланиш имкониятлари кўрсатиб берилди. Учинчи

бобда эса аниқланган локатив синтаксемалар коннататив, факультатив ҳамда адвербиал вариантлари аниқланиб қиёсий таҳлил қилинади.

Навбатдаги вазифа эса инглиз ва ўзбек тиллари микроматнда макон дейксисини ифодаловчи воситалар локатив синтаксемаларнинг қайси бирга ишора қилиши ва ушбу маконни анафорик усулда ифодаловчи воситалар локатив синтаксемалардан қайси бирини ифодалаши ва уларнинг бир-бирига мослиги аниқланиб, улар қиёсий таҳлил қилинади. Муаммога бундай ёндашув илк бор синаб кўрилмоқда.

## **1.2 Қардош бўлмаган тиллар тизимида макон дейксисини ифодаловчи синтактик бирликлар**

Тилшуносликда дейксис муаммосига қаратилган кўпгина олимларнинг фикрлари билан танишиб, дейктик ходисаларни ёки дейксис ҳолатини ифодаловчи синтактик бирликлардан шахс дейксисига кишилиқ олмошлари I-мен, you-сен, he, she, it– у, we-биз, you-сиз, they-улар ҳамда эгалиқ олмошлари, my-менинг, your-сенинг, his, her its-унинг, our-бизнинг, their – уларнинг кабилар киритилиб, уларнинг матнда дейктик хусусиятлари атрофлича талқин қилинган. Жумладан, С.Рахимов “Биринчи шахс кишилиқ олмошлари ҳаётнинг турли ходисаларига кўра муаллиф позициясини ифодалаш учун қўлланилади”[28,11] .Илмий матн таркибида адресатнинг II шахс дейксиси воситасида эксплицит кўрсатиш амалда мумкин эмас. Бу турдаги матнларда муаллифнинг прагматик мақсади бевосита адресатга мурожаат қилиш йўли билан эмас, балки ўқувчига интеллектуал йўл таъсирни фаоллаштирадиган гап бўлаклари алоҳида таъкидлаш орқали амалга ошади.

Шу борада таъкидлаш жоизки, биринчи ва иккинчи шахс олмошининг борлиқ билан ўзаро муносабати нутқнинг ўзига хос воқелигидир, шунинг учун уларнинг белгиси нутқий фаолият жараёни билан боғлиқ ҳолда аниқланади. Биринчи ва иккинчи шахс кишилиқ олмошларнинг нутқ жараёни билан ушбу доимий муносабати уларни турли шакл ва бирикиш имкониятларига эга бўлган бошқа кўрсаткичлар гуруҳи яъни

олмош, равиш, равишли иборалар кабилар билан боғлайди [61,286-287]. Субъектив ишоранинг бу воситалари коммуникатив жараён иштирокчиларининг идрок доирасидаги объектларни ажратиш шунингдек, уларнинг макон ва замонда жойлашув ҳолатини чегаралаш имконини беради.

Маълумки, нутқ фаолияти муайян вазиятда аниқ мақсадга йўналтирилган нутқий фаолият манбасидир [44,13-14]. Бундан маълум бўлишича, нутқий фаолиятнинг асосий қисмлари – сўзловчи, тингловчи, макон, замонга тегишли дейктик категориялар билан белгиланади.

Субъектив кўрсатиш воситалари асосан кишилик олмошларидан таркиб топган бўлиб, унга олмошлар талқинида дастлабки ўринда кўзга ташланадиган фарқ замон ва макон майдонида турлича ўрин эгаллаш билан боғлиқ. “Мен” – “ҳозир” ва “шу ерда” юзага келаётган ҳодиса ҳақида фикр юритилаётган нутқий фаолият муаллифи – субъект. “У” эса доимо нутқ муаллифидан ўзга, ундан узоқлашган, алоҳида субъектдир [17,8]. Яна таъкидлашича, II шахс воситасида ифодаланаётган шахс мулоқот матнидаги иштироки I шахсга, яъни сўзловчига нисбатан белгиланади, чунки “у” асосан нутқий фаолиятнинг объекти, “ҳикоя қаҳромони”. Шунинг учун III шахснинг номланиши ҳам икки хил яъни стереотип (анъанавий қолипли) ва субъектив (сўзловчи – муаллифнинг шахсий идрокига мос ҳолда) кўринишда бўлиши мумкин [16,78-82].

Умуман олганда III шахс олмошлари функционал вазифаларига кўра, матнда that олмошига ёки there равишига яқин туради, чунки улар I шахс олмошларидан фарқли равишда, ўзининг мазмунида имо-ишора маънони сақлайди. I шахс олмошларнинг маъноси эса кўшимча ишорасиз ҳам тушунарлидир. Шунинг учун ҳам Л.Линскийнинг таъкидлашича “... I шахс олмошлари бирламчи кўрсатиш воситаси сифатида фақат дейктик вазифада келади, III шахс олмошлари маъноси эса олдинги гапда антецедент (ўзидан олдинги бўлак) бўлишини талаб қилган ҳолда иккиламчи кўрсатиш воситаси сифатида ишлатилади” [21, 162]. Одатда, иккиламчи дейксис майдони

координатори “у”, “улар”, “у ерда”, “ўшанда ” кўринишида белгиланиб, бу майдоннинг нутқий воқеаланишида дейктик марказда сўзловчи эмас, балки кузатувчи туради [67].

Шундай қилиб, учинчи шахс олмошлари ҳамда ўринни ёки маконни ифодаловчи (равишлар, олмошлар) матнда ички тузилиш кўрсаткичи (анафорик алоқа) вазифасини бажариб, “матннинг семантик боғлиқлигини таъминлайди” (Лингвистический энциклопедический словарь, 1990, 128). Шунинг учун уларнинг функционал вазифаларини аниқлашда матн таркибида юзага келадиган ва унинг антецеденти муносабати муҳим аҳамиятга эга. Мазкур фаслда биз асосан маконга ишора қилувчи синтактик бирликларнинг синтактик сатҳдаги семантикасини инглиз ва ўзбек бадий матнларида ифодаланиш ҳолатларини инвентаризация қилиш билан чекланамиз. Юқорида қайд этилган тадқиқотлардан ушбу ишимизнинг фарқи микроматнда ёки қўшма гаплар таркибида локативлик категорияси ҳар иккала тилларда отлар билан ифодаланган бўлиб, айнан ўша локативлик синтаксемага ишора, эслатиш ёки кўрсатиш воситалари билан биргаликда қиёсий функционал тадқиқ қилиш бутунлай янгича ёндашув бўлиб, тилшуносликда дейкис назариясини янада бойитишдан иборат.

Инглиз ва ўзбек тиллари мисолида категориал дифференциал синтактик-семантик белгилардан субстанциаллик базасида локатив адессив, локатив аллатив, локатив аблатив, локатив транслатив, локатив объект, локатив инструментал, локатив тарз семалар аниқланди. Галдаги вазифа эса ушбу маконга ёки локатив семаларга ишора қилувчи синтактик бирликларни микроконтекстда ифодаланишини кўрсатиб беришдан иборат.

Бадий асарлардан йиғилган мисолларнинг гувоҳлик беришича, локатив семани анафорик ифодаловчи воситалар турлича лексемалар ёрдамида берилиши мумкин. Инглиз тили мисолида тағмаёнодаги локатив семаларнинг қандай вариантлари бўлишидан қатъий назар, улар қуйидагича ифодаланади:

1. Тагмаънодаги локатив семанинг адессив,аллатив,аблатив вариантлари ифодаланганда маконни эслатувчи анафорик восита there равиши ёрдамида берилади.

1) He had been in the office alone.Haso was there as well.(RJES,159)

2) Igor ran over to their yard.When he was half-way there he stopped and then walked on (RJES, 119).

3) He had got back from the town.Magus was a good man and everybody there esteemed him (RJES, 268).

Берилган мисолларда in the office(1) локатив адессив, to ... yard (2)локатив аллатив, from the town (3) локатив аблатив синтаксемаларни ифодаласа-да, макон дейксиси there воситасида ифодаланади. Маълумки, бадий матнларда сўзловчи асосан асар муаллифи ҳисобланиб, унинг тингловчиси китобхон бўлиб, содир бўладиган ёки содир бўлмайдиган иш-ҳаракат макони ҳар иккаласи учун ҳам узоқдалигини ифодалайди.

Тагмаънодаги локативлик вариантлари ифодалаган семаларнинг ҳар учаласига ҳам there ифодалаган макон семанинг мослиги ҳақида кейинги фаслларда тўхталамиз. Бадий матндаги ифодаланган субъектга эътибор берилганда улар асосан III шахсда кўпроқ берилади.

2. Here равиши ёрдами:

1)Florik was happy in his dream saloon.We hope tosee you here again (RJES,52).

2) He came over to the barber and pointed to the street outside the window.And here we go upsetting ourselves over nonsense, over uniforms (RJES, 162).

3)When Yellow Dodo returned from the Secretary's office with his face wreathed in smiles, no further remarks were passed, lither by Florik or by Haso. "I didn't expect to meet you here"(RJES, 166).

Ушбу гапларда маконга ишора қилувчи синтактик бирлик here – in the saloon (1), to the street (2) локатив элементларга ишора ёки эслатиш кўзга ташланади, аммо учинчи гапда тагмаънодаги локативлик имплицит тарзда берилган. Демак, here учинчи гапдаги from the ... office бирлигига тааллуқли эмас. Ёки from here ёрдамида ҳам ишора қилинган макон эксплицит ёки имплицит ҳолатда берилиши мумкин:

а) эксплицит тарзда:

The old women ran out of the station quicker then was decent at her age and got away from here (RJES,73).

б) имплицит тарзда:

I live in the Yarden Zane.It is not very far from here (RJES,147).

3. Where нисбий олмоши ёрдамида. Анъанавий грамматикаларда мазкур нисбий олмоши ўрин эргаш гапларни боғлайдиган восита деб тан олинади. Аммо у релативлик муносабат билан биргаликда бош гапда берилган субъект ёки шахснинг бажарган иш-ҳаракатининг маконига ишора қилиш билан бирга , ўша маконда яна бошқа бир иш-ҳаракатнинг бажарилганлиги ёки ижро этилишини таъкидлайди:

1) Samko went on standing in the same spot where she had stood three days before (RJES, 166).

2) Yellow Dodo left the building of the district Secretariat, but didn't know where to go (RJES, 251).

3) They were women from the court where Igor lived (RJES, 251).

4) He reached Yarden Zane , where he receded into the shadows and merged with the darkness (RJES, 323).

5) He walked heroically right across the middle of the square, where Eve had stood and suffered these days before (RJES,308).

Мисолларда тагмаънодаги локативликни ифодалаган in the same spot, the building of the district Secretariat, from the court, Yarden Zane, across the middle of the square синтактик бирликлар локативликнинг турлича вариантларини ифодаласа-да, релятив олмоши where тагмаънодаги ифодаланган иш-харакатига қўшимча ахборат мавжудлигини , яъни матни кенгайтириб, уни тўлғизиб бермоқда. Демак, қўшимча ахборат ёки иш –харакати, шахс ёки нарса-предметни айнан тагмаънодаги макон доирасида содир бўлишини таъкидлайди.

4. Which релятив олмоши ҳам қўшма гаплар таркибида боғловчи вазифасида ҳамда матн доирасида which иштирок этган гап қисмидан олдин локативлик ифодаланган синтактик бирликка нисбатан анафора вазифасини ўташи мумкин:

1) He was sitting in the empty, dirty refreshment room, which smelt of mildew and stale tobacco (RJES, 67).

2) The horses crossed the square at a neat trot and turned off into the street which led down the alley of chestnut trees to the station (RJES, 101).

3) They come from the Ahine land, which is also a vine producing area and they like it in our town (RJES, 260).

4) Igor had jumped down from the cart and vanished along the narrow street which led to the square (RJES, 189).

Бундан ташқари behind which, the door through, in the center of which , in front of which каби бирикмалар ёрдамида ҳам маконга ишора қилиш ёки уни таъкидлаши мумкин.

1) Igor passed the church wall behind which stood the alter and saw Eve's father (RJES,93).

2) They stood beside the door through which she had passed (RJES, 255).

3) The main street terminated in a small square , in the center of which stood a sculpture of the Holy Trinity (RJES,11).

4) When they emerged from the narrow street they came to the Grammar school , in front of which stood crowd of peole (RJES, 219).

5. Макон дейксисини ифодалашда предлоглар ёки адвербиал элементлар билан *it, them* олмошлари орқали ҳам ишора амалга оширилиши мумкин:

а) *in it* ёрдамида:

He sat down in a swivel chair with a leather-up-holstered seat and span round in it (RJES, 43).

б) *in front of it* ёрдамида:

A bicycle was leaning against the wall of the house opposite and kneeling in front of it was their neighbour.

в) *in the midst of them* ёрдамида:

The secrets of the town below the slopes of the vineyards are ugly and dangerous. In the midst of them , Eve's image had faded away (RJES,24).

6. Гумон ёки маконни ифодаловчи ноаниқ олмоши гапнинг бўлишсизлик шаклида *anywhere* ёрдамида ҳам маконга ишора қилиши мумкин:

I looked for you at home and in the High street, but you weren't anywhere to be seen (RJES,25).

Ўзбек тили мисолида маконга ишора қилувчи воситалар ҳам ҳар хил синтактик бирликлар ёрдамида ифодаланиши мумкин. Улар “бу ерда”, “у ерда”, “шу ерда”, “у ерга”, “шу ерга”, “у ердан”, “шу ердан” кабилар ёрдамида берилиб, тагмаънодаги локативлик семанинг вариантларига уларнинг ифодалаган локатив синтаксемалар мос келиши ёки мос келмаслиги мумкин:

1. “Бу ерда” ёрдамида:

Саф тортиб турган бир неча хонадан ўтдик ва қабулхона залига етдик. Бу ерда уч марта таъзим бажо келтирдик ( ЖСТ,174).

Бу ерда равиши асосан сўзловчига яқин бўлган маконга ишорадир. Бадиий матнда иш-ҳаракат бажарувчи асосан учинчи шахсдан иборат бўлиб, муаллиф китобхонга асар қаҳромонини ёки персонажни гапиртиради ва унинг ахбороти билвосита муаллиф орқали ўқувчига етказилади, аммо “бу ерда” орқали ишора қилиш маконнинг яқинлиги фақат муаллиф тасвирлаётган персонажгадир.

2. “Шу ерда” ёрдамида синтактик бирлик ҳам “бу ерда” каби локатив адессив семани ифодаласа-да, тагмаъно локатив адессив,аллатив синтаксемаларга ишора қилишда ишлатилади.

Жуялик одамларнинг йўл бошлаши билан гимназияга келиб кирди. Шу ерда унга хатни тушунтириб бердилар (FFA,252).

3. “У ерда ” синтактик бирлик маконга ишора сифатида ишлатилганда, гапдаги иштирокчи субъект асосан биринчи ва иккинчи шахслардан иборат бўлиб, ишора қилинган макон улардан узоқлигини ифодалайди:

1) Биз сарой ичига кирдик, у ерда мен дарахт тагида ўзини ҳимоя қилган ҳалиги жирканч махлуқлардан учтасини кўрдим (ЖСТ, 252).

2) Маориф комиссарлигига мурожаат қилдим. У ерда ҳам бу ташаббусни қутлаб Болалар нашриётининг ҳаражатини берадиган бўлдилар (FFA,61).

4. “У ерга”, “шу ерга” ёрдамида макон дейксиси ифодаланганда , ишора қилинган макон сўзловчига яқинлиги ёки сўзловчининг маконнинг ўзида жойлашганлигини ифодалаб, локатив аллатив семани ифодалайди.

1) - Йўқолинг алдамчилар, бизнинг мажлисда сизга ўрин йўқ!

- Сизларга бу ерга келишга ким ижозат берди? (FFA, 37)

2) Маймун ўзини дарҳол деразага урди, у ердан тарновга тармашди. Бу ерга ҳар томонлардан юзларча одамлар келишди (ЖСГ, 107).

3) Ибодатхонадаги ашё ва зийнатларни олиб чиқишган, у анча вақтдан бери бўм-бўш ётган. Шу ерга мени жойлаштирмақчи бўлишди ( ЖСГ, 105).

5. “У ерга” маконнинг сўзловчидан узоқлигини ифодалаб, тагмаънодаги локатив аллатив синтаксемани ифодаловчи маконга ишора қилинади.

Москвага ўқишга жўнамоқчиман.У ерга энг ози тўрт йиллар бўлсам керак (FFA, 21).

6. “У ердан” ёрдамида маконга ишора қилинганда тагмаънодаги локативликдан субъектнинг узоқлашиш ҳолатини ифодалайди:

1) Низомий номли Давлат педагогика институтига адабиёт ўқитувчиси бўлиб келди. У ердан шампанский пробкасидай отилиб Марғилонга тушди. У ердан ҳам ҳайдалди (ҒҒА, 431).

2) Шу мамлакатда яшаб турган пайтимда, у ердан жўнаб кетишимга уч ой колганда бўлиб ўтди (ЖСТ, 237).

7. “Ўша ердаги” ёрдамида:

Чирчиқ лабига солинган азот заводига экскурсияга чикқанлар, ўша ердаги ишчиларнинг умумий ётоқхоналарига қўнмоқчилар(ҒҒА, 61) .

8. “Бу ердаги” ёрдамида:

Бу институтда сақланадиган китоблар ўзбек халқининг бебаҳо ва даҳлсиз маданий бойлигидир. Бу ердаги кўп китоблар жаҳонда ягона нусхалар ҳисобланади (ҒҒА, 431).

9. “Ўша ёққа” ёрдамида:

Мьюноди, бунақа суҳбатларни шаҳардан 20 миля узоқда жойлашган чорбоғимда олиб борилгани маъқул, эртагаёқ ўша ёққа борамиз.

Макон дейксиси анафорик жиҳатдан ифодаланиш воситалари инглиз тили мисолида ташқари here, there, behind which, the door through, in the center of which , in front of which, in the midst of them , anywhere кабилар ёрдамида намоён бўлса, ўзбек тилида бу ерда, у ерда, шу ерда,у ерга, шу ерга, у ердан, шу ердан, ўша ердаги, ўша ёққа кабилар ёрдамида ифодаланишини кўрдик. Навбатдаги вазифа эса тағмаънодаги, яъни матн бошида инглиз тилида предлог +от, ўзбек тилида эса от + келишик қўшимчалари ёрдамида ифодаланган локативлик категориясининг ҳар бир варианты билан маконга ишора қилувчи анафорик синтактик бирликларнинг бир-бири билан мутаносиблиги ва номутаносиблиги қиёсий таҳлил қилинади.

### **1.3 Маконни ифодаловчи синтаксемалар ва уларнинг антецедент воситаларини ўзаро мутаносиблиги**

Матн элементларини аниқлашда ушбу матнга хос бўлган лисоний тиллардан ўрин равишлари ёки олмошлари эргашган қўшма гаплар ёки микроматнда анафорик ёки антецедент вазифасида келиб, бош гаптаги ёки матндаги синтактик бирликлардан локативликни ифодаловчи элементларга ишора қилувчи синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик-семантик белгиларини аниқлаш ҳамда уларнинг ифодалаган синтаксемалари локатив синтаксемаларнинг қандай вариантларига мос келиши ҳақида фикр юритилади.

А.Ҳожиёвнинг “Анафора параллел тузилган нутқ парчалари мисралар бошида айнан бир элементнинг такрорланишидан иборат стилистик фигура” деб таъкидласа, “Анафорик сўз эса олдинги сўз билдирган шахс ёки нарсага, олдинги айтилган ишора қилувчи сўз”[1.16]

Локатив элементли гапларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилганда, биз локатив семаларни асослаб категориал дифференциал синтактик-семантик белгилардан субстанциаллик базасида таҳлил қилдик. Субстанциал локатив синтаксемалар фақат от сўз туркуми билан ифодаланган элементлар доирасида локатив семаларнинг вариантларини аниқладик. Аммо, локатив семаларнинг вариантларига ишора қилувчи синтактик бирликларнинг синтаксем таркибни аниқлаш, уларнинг ифодалаган синтаксемалари субстанциал локатив синтаксемаларнинг қайси бир вариантларига мутаносиблиги ёки номутаносиблиги тилшуносликда илк бор қиёсий таҳлил қилинмоқда. Қўшма гаплар ва микроматн доирасида аниқланган локатив синтаксемаларга ишора қилувчи анафорик воситалар асосида таҳлил қилинди.

Масалан:

1. She stood in the same place where she stood the previous evening. (RJES, 273)

2. I came to ask if the secretary is in his office: “And will he be here tomorrow?” (RJES, 141)

3. There was complete silence in the inn. Igor stood there, not knowing what to do. (RJES, 20)

Келтирилган мисолларда in the ... place(1), in ... office (2), in the inn (3) субстанциал локатив адессив синтаксемани ифодалайди. Ушбу синтаксемага ишора қилувчи антецедент сўзлар where, here ва there синтактик бирликлар ҳам локатив адессив синтаксемани англатиб келмоқда. Ушбу ўринда таъкидлаш жоизки, where нисбий олмоши эргаш гапни бош гап билан боғловчи вазифасини ҳам бажаради. Антецедент сўзларнинг локатив адессив синтаксемани ифодалашини исботлаш мақсадида алмаштириш эксперимент методидан қуйидагича фойдаланиш мумкин:

(1) She stood in the same place where she stood the previous evening → ... she stood in the same place the previous evening.

(2) I came to ask if the secretary is in his office: “And will he be here tomorrow?” → ... “And will he be in his office tomorrow?”

(3) There was complete silence in the inn. Igor stood there, not knowing what to do → ... Igor stood in the inn, not knowing what to do.

Эксперимент ҳосиласидан маълумки, where, here, there антецедент сўзлар ҳам локатив адессив синтаксемани ифодалаб, тағмаънодаги ёки субстанциал локатив синтаксемага мутаносиблиги кўзга ташланади. Аммо where синтактик бирлик here ва there лардан фарқи шундаки, В.В.Слепецнинг таъкидлашича, “... нисбий олмошлар дифференциал синтактик-семантик белгилардан нисбийликни ёки релятивликни ифодалайди” [31.223]. Демак, биринчи гапда where– локатив адессив релятив синтаксемани ифодалайди.

Келтирилган мисолларда субстанциал локатив адессив синтаксемалар гап қурилмасида ядро предикатив  $2(NP_2)$  компонентига тобе бўлиб, субординатив алоқа асосида боғланган.

Навбатда эса субстанциал локатив аллатив синтаксема ва унинг антецедент элементлар ифодаланган локатив аллатив синтаксемага эътибор қаратмоқчимиз.

1. I never used to visit the park, but now I like going there. [RJES, 55]

2. Today Igor was going to the station. He hadn't been there for two days and yesterday they had unloaded vegetables. [RJES, 64]

3. And then all that distance to Siberia whole weeks by train. They'll get there with motors [RJES, 72].

Маълумки, локатив аллатив синтаксема иш- ҳаракатини макон томон йўналишини англатади ёки субъект суҳбатдошга маълум ёки номаълум макондан макон томон қилган ёки қилаётган иш-ҳаракатини ифодалайди. Шунинг учун to visit the park(1), to the station (2), to Siberia (3) синтактик бирликлар субстанциал локатив аллатив синтаксемани ифодалайди. Уларнинг антецедентлари “there” ҳам локатив аллатив синтаксемани ифодаланишини эксперимент методининг алмаштириш усулидан фойдаланамиз.

1. I never used to visit the park, but now I like going there → ... but now I like going to the park.

2. Today Igor was going to the station. He hadn't been there for two days and yesterday they had unloaded vegetables → ... He hadn't been to the station for two days ...

3. And then all that distance to Siberia whole weeks by train. They'll get there with motors ... → They'll get to Siberia with motors.

Таҳлилнинг ҳосиласидан маълумки, локатив аллатив синтаксемани ифодаланган to visit the park, to the station, to Siberia элементларнинг дифференциал синтактик-семантик белгиларига there равиши ифодалаган семалар тўлиқ мос келади.

Субстанциал локатив аблатив синтаксема ва унинг антецеденти ўрин равишлари ифодалаган синтаксема ҳақида гапирсак, локатив аблатив

синтаксема деганда субъектнинг ёки нарса-предметнинг маълум макондан узоқлашишини англатади:

The old woman ran out of station quicker than was decent at her age. She got away from here. (RJES, 73)

Гап таркибидаги out of the station ва from here синтактик бирликлар локатив аблатив синтаксемани ифодалашини исботлаш мақсадида уларни бир-бири билан алмаштириш усулидан фойдаланиш мумкин:

The old woman ran out of station quicker than was decent at her age. She got away from here → The old woman ran out of station quicker than was decent at her age. She got away out of station .

She got away out of station ёки фақат from here синтактик бирликни охирги гап таркибида from the station ёки out of station билан алмаштириш имконияти мавжуд: She got away out of station → She got away from station/ out of station.

Инглиз тили мисолида субстанциал локатив синтаксеманинг вариантларидан локатив адессив, локатив аллатив ва локатив аблатив синтаксемаларнинг антецедентлари ифодалаган синтаксемаларнинг мутаносиблиги ёки кореферентлик ҳолатлари аниқланди. Шу борада қайд этиш жоизки, субстанциал локатив синтаксеманинг барча вариантларида номутаносиблик ҳолатлар учрайди.

Ўзбек тили мисолида қаралганда субстанциал локатив синтаксема вариантларидаги антецедент элементларнинг мутаносиблик ҳодисаларни таҳлил қилишда қуйидаги фактларга дуч келиш мумкин.

Гап бошида ёки матн ўртасида субстанциал локатив адессив синтаксема от билан ифодаланиб, унинг антецеденти ўрин равишларидан иборат бўлиб, от сўз туркуми сингари ўрин-пайт келишиги қўшимчаси ёрдамида ифодаланади.

1. Бу институтда сақланадиган китоблар ўзбек халқининг бебаҳо ва дахлсиз маданий бойлигидир. Бу ердаги кўп китоблар жаҳонда ягона нусхалар ҳисобланади. (ФФА, 431)

2. Оролда кутиб олинишимдан гарчи зорланмасам ҳам у ерда эътибор қозонмаганлигимни тан олишим керак. (ЖСГ, 155)

3. Мен Ноттингемпширда туғилганман, у ерда отамнинг унча катта бўлмаган мулки бор эди. (ЖСГ, 5)

Келтирилган мисолларда институтда(1), Оролда (2) Ноттингемпширда(3) субстанциал локатив адессив синтаксемани ифодалайди, уларнинг антецедентлари (бу ердаги, у ерда) ҳам локатив адессив синтаксемани ифодалаб, кореферентлик вазифасини ифодалайди. Улардаги мавжуд бўлган локатив адессив синтаксемаларни кореферентлик ҳолатда келган локатив адессив синтаксемаларни ўзаро бир-бири билан трансформациянинг алмаштириш усулидан фойдаланиб, уларнинг бир-бирига мутаносиблигини исботлаш мумкин:

1. Бу институтда сақланадиган китоблар ўзбек халқининг бебаҳо ва дахлсиз маданий бойлигидир. Бу ердаги кўп китоблар жаҳонда ягона нусхалар ҳисобланади – Бу ерда сақланадиган китоблар ўзбек халқининг бебаҳо ва дахлсиз маданий бойлигидир. Бу институтдаги кўп китоблар жаҳонда ягона нусхалар ҳисобланади.

2. Оролда кутиб олинишимдан гарчи зорланмасам ҳам у ерда эътибор қозонмаганлигимни тан олишим керак – У ерда кутиб олинишимдан гарчи зорланмасам ҳам Оролда эътибор қозонмаганлигимни тан олишим керак.

3. Мен Ноттингемпширда туғилганман, у ерда отамнинг унча катта бўлмаган мулки бор эди- Мен у ерда туғилганман, Ноттингемпширда отамнинг унча катта бўлмаган мулки бор эди .

Йиғилган мисолларнинг гувоҳлик беришича, субстанциал локатив аллатив синтаксеманинг антецедентлари локатив аллатив синтаксемага мос келмасдан , улар асосан локатив адессив синтаксемани ифодалайди.

1. Қулай фурсатда топилди дегунча Лондонга йўл олар ва у ерда анча вақт қолиб кетарди (ЖСГ, 264).

2. Нагасакига соқчилар билан бирга жўнашимга рухсат беришини тавозе билан илтимос қилдим.У ерда Европага жўнаш учун қулай фурсат кутажagini айтдим (ЖСГ,194).

Мисоллардан маълумки, гап таркибидаги “Лондонга”, “Нагасакига” синтактик бирликлар субстанциал локатив аллатив синтаксемани ифодалаган, аммо уларнинг антецедентлари “у ерда” локатив адессив синтаксемани ифодалайди.Бу гапларни мутаносиб бўлган синтаксемалар каби эркин алмаштириш трансформациясига тушмайди.

(1) Қулай фурсат топилди дегунча Лондонга йўл олар ва у ерда анча вақт қолиб кетарди → Қулай фурсат топилди у ерда дегунча йўл олар ва Лондонга анча вақт қолиб кетарди .

(2) Нагасакига соқчилар билан бирга жўнашимга рухсат беришини тавозе билан илтимос қилдим.У ерда Европага жўнаш учун қулай фурсат кутажagini айтдим → У ерда соқчилар билан бирга жўнашимга рухсат беришини тавозе билан илтимос қилдим. Нагасакига Европага жўнаш учун қулай фурсат кутажagini айтдим.

Бундай синтаксемаларнинг яъни антецедент ифодалаган синтаксемалар матн бошида ифодалаган синтаксемаларнинг номутаносиблиги ҳақида кейинроқ тўхташга тўғри келади.Ушбу фаслда биз асосан субстанциал локатив синтаксемалар ва уларнинг антецедентлари ифодалаган синтаксемаларнинг мутаносиблиги ҳақида тўхталганмиз.Юқорида қайд этилган номутаносиблик ўзбек тилида локатив аллатив посессив, локатив аблатив, локатив электив, локатив транслатив, локатив объект синтаксемаларда ҳам учрайди:

1.Редрефдаги боғимга кетаман.У ерда гуиғнғнмларнинг фароғатли мамлакати ҳақида ширин ҳаёлларга бериламан(ЖСГ,260).

2.Мен илгариги аҳдимга мувофиқ ўзимни голланд савдогари деб танитдим.У ердан Лаггнегг оролига жўнадим.(ЖСГ,157)

3. Шаҳар дарвозасидан чиққач, дала йўли билан кетдик. Бу ерда турли-туман асбоблар билан ишлаётган кўпгина деҳқонларни кўрдим. (ЖСГ, 157)

4. Байтал хизматкорга хоналардан бирини очишни буюрди, у ерда кўпгина сопол ва ёғоч идишларда сутлар бор экан. (ЖСГ, 267)

5. Аширмат сўфи магит сахнида айланиб юриб, кўзи магитнинг далонига кўзи тушди. У ерда банобарс бир жувон йиғлаб турарди. (ҒҒА, 498)

6. Киров раёнидаги 4- болалар санаторийсини олайлик. Бу ерда ёз бўйи санаторийга қабул қилиш олиб борилади. (ҒҒА, 514)

Ушбу гаплардаги локатив синтаксемалар ва уларнинг антецедентлари ифодалаган синтаксемалар:

(1) боғимга – субстанциал локатив аллатив ↔ у ерда – локатив адессив синтаксема;

(2) голланд савдогари-субстанциал локатив поссессив ↔ у ердан – локатив аблатив;

(3) дарвозасидан – субстанциал локатив аблатив ↔ бу ерда- локатив адессив;

(4) хоналардан бирини-субстанциал локатив электив ↔ у ерда – локатив адессив;

(5) магит сахнида-субстанциал локатив транслатив ↔ у ерда – локатив адессив;

(6) 4-болалар санаториясини-субстанциал локатив объект ↔ бу ерда-локатив адессив;

Умуман олганда субстанциал локатив синтаксемалар вариантларига антецедентларнинг мутаносиблиги инглиз ва ўзбек тилларида қуйидагилардан иборат.

Локатив адессив-локатив адессив

Инглиз тилида

In +S ↔ where, there, here

Ўзбек тилида

S+да ↔ бу ерда, у ерда

Локатив аллатив-локатив ←————→ аллатив-адессив

S ↔ there

to + S ↔ there

S + га

Локатив аблатив

Out of here + S ↔ from here

Қолган локатив синтаксемаларнинг вариантлари ва уларнинг антецедентлари тагмаънодаги субстанциал локатив синтаксемаларга тўғри келмайди.

#### **1.4 Инглиз ва ўзбек тилларида локатив синтаксемалар ва уларнинг антецедент воситаларини ўзаро номутаносиблиги**

Маълумки, локатив элементли гапларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилинганда аниқланган дифференциал синтактик-семантик белгилар, яъни аллатив, аблатив, адессив, транслатив, объект, инструментал ва бошқаларни қўшма гаплар қурилмасида ёки микроматнда уларга ишора, эслатиш, кўрсатиш усуллари антецедент воситалари ёрдамида ифодаланган синтаксемалар субстанциал локатив синтаксемалар субстанциал локатив синтаксема вариантларига номутаносиб бўлиб, улар асосан матн ёки ахборот доирасини кенгайтириш учун хизмат қилади.

Масалан: Адессив синтаксеманинг антецедентлари ифодалаган синтаксемалар:

1. People were collecting in the narrow street which led into St.Elizabeth's square (RJES, 270).

2. He was standing in front of a puddle, uncertain as to whether he should step over it or go round it (RJES, 98).

3. They stood beside the door through which she had passed (RJES, 255).

4. In front of the two-story station building , which was as shabby as the houses on the outskirts of the town and as hospitable as a sleety day, stood a cab (RJES, 67).

Мисолларда in the narrow (1), in front of a puddle (2), beside the door (3), in front of the two-story station building(4) субстанциал локатив адессив синтаксемани ифодалайди, ammo уларнинг антецедент воситалари турлича локатив синтаксемаларни ифодалаши мумкин. Жумладан, биринчи гапта which нисбий олмоши боғловчи вазифасида келиб, локатив агентив (харакат ижрочиси) синтаксемани ифодалаган. Уни исботлаш мақсадида трансформациянинг алмаштириш усулидан фойдаланиб, локатив агентив синтаксемани аниқлашга имконият яратилади.

(1) People were collecting in the narrow street which led into St.Elizabeth's square → ... in the narrow street led into St.Elizabeth's square.

Эришилган ҳосиладан маълумки, антецедент восита which локатив релятив агентив синтаксемани ифодалайди.

Иккинчи гапта ҳам субстанциал локатив синтаксема in front of a puddle антецедентлари over it or go round it локатив аллатив синтаксемани ифодалайди. Бу гапта ҳам антецедент воситаларни яъни over it or go round it элементларни а puddle синтактик бирлик билан алмаштириш трансформациясига тушириш мумкин:

(2) He was standing in front of a puddle, uncertain as to whether he should step over it or go round it → ... he should step over puddle or go round puddle.

Локатив аллатив синтаксемани ифодалашда over ёки round элементларни тушириб қолдириш мумкин эмас. Фақат over it or go round it синтактик бирликлар локативликнинг ўзини ифодалашини исботламоқчи бўлгандагина адвербиал элементлар here/there предлогсиз алмаштириш мумкин:

(2) ...he should step over it or go round it → ... he should step here/there.

Учинчи гапта субстанциал локатив адессив синтаксемани ифодалаган beside the door синтактик бирликнинг антецедент воситаси through which-

локатив транслатив синтаксемани ифодалайди. Бу гапда локативликнинг ифодаланганини қуйидаги алмаштириш трансформациясига тушириш мумкин:

(3) They stood beside the door through which she had passed → ...she had passed through here/there ёки where сўроқ олмоши ёрдамида амалга оширилганда ҳам through элементи тушириб қолдирилмайди:

(3) ... through which she had passed → where had she passed through?

Тўртинчи гапда .... ҳам субстанциал локатив адессив синтаксемани ифодалайди, унинг антецеденти нисбий олмош ... боғловчи вазифасида келиб, ... локатив релятив синтаксемани ифодалаш билан бир қаторда унга квалитативликнинг юклатилганлигини ҳам гувоҳи бўламиз.

Демак, ушбу гап қурилмасида антецедент сўз which квалитативлик юклатилган локатив релятив синтаксемани ифодалайди. Уни янада ойдинлаштириш мақсадида қуйидаги алмаштириш методида фойдаланиш мумкин:

(4) In front of the two-story station building , which was as shabby as the houses → building was shabby ... → a shabby building.

Ўзбек тили мисолида субстанциал локатив адессив синтаксеманинг антецедент воситалари фақат локатив аллатив ва локатив аблатив синтаксемаларни ифодаланишини аниқладик:

1. У асли Лаггнегддан бўлиб, бир неча йил Малдонада яшган. Бу ерга келувчилар билан ўтказган суҳбатларим менда ҳеч қандай қизиқиш туғдирмади (ЖСГ, 182).

2. Коллежда ўқишим учун маблағ етказиб беришга отамнинг қурби етмай қолди, шунинг учун у мени у ердан олди (ЖСГ, 6).

Ушбу мисолларда Малдонада (1), Коллежда (2) синтактик бирликларнинг антецедентлари бу ерга – локатив аллатив, у ердан – локатив аблатив синтаксемаларни ифодалайди. Локатив аллатив синтаксемани ифодалашда адвербиал элементига жўналиш ва чиқиш келишиклари маркерлари сақланади:

(1) У асли Лаггнеггдан бўлиб, бир неча йил Малдонада яшаган. Бу ерга келувчилар билан ўтказган суҳбатларим менда ҳеч қандай қизиқиш туғдирмади.

→ ... .. Малдонага келувчилар билан ўтказган суҳбатларим менда ҳеч қандай қизиқиш туғдирмади.


(2) Коллежда ўқишим учун маблағ етказиб беришга отамнинг қурби етмай қолди, шунинг учун у мени у ердан олди → ... .. у мени коллеждан олди.

Юқорида таҳлил қилинган мисоллар ҳосиласидан субстанциал локатив адессив синтаксеманинг антецедент воситалари локатив аллатив, локатив транслатив, локатив агентив, квалитативлик юклатилган локатив релятив синтаксемаларни ифодаласа, ўзбек тилида эса фақат аллатив ва аблатив синтактик семаларини ифодалашини аниқладик.

Бундай ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Инглиз тили:

Ўзбек тили:



Ушбу белгиларнинг изоҳи қуйидагича бўлади:

SbLcAd- субстанциал локатив адессив;

LcAl- локатив аллатив;

LcTr- локатив транслатив;

LcAg- локатив агентив;

LcRIQlt- квалитативлик юклатилган локатив релятив;

ЛсАbl- локатив аблатив синтаксемалар субстанциал навбатда локатив аллатив синтаксемаларнинг антецедент воситалари ифодалаган синтаксемаларни аниқлаганимизда инглиз тили мисолида локатив адессив, локатив релятив, локатив релятив аблатив, локатив релятив объект синтаксемалар учрайди.

1. Igor walked away to the platform. The porter was not there (RJES,67).

2. Suddenly he picked one of them up and put it to a corner, where he sat down (RJES, 55).

Ушбу гапларда to the platform, to a corner синтактик бирликлар субстанциал локатив аллатив яъни субъектнинг иш-ҳаракати маконга йўналтирилган, уларнинг антецедентлари there локатив адессив, where эса локатив релятив адессив синтаксемаларни ифодалайди. Мазкур антецедент воситаларни субстанциал локатив аллатив билан алмаштирилганда аллативликни ифодаловчи предлоглар ўрнига адессивликни ифодаловчи предлоглар билан алмаштиришни гап қурилмаларида изоҳланган маълумот ёки вазият тақозо қилади. Аммо, субстанциал локатив аллатив синтаксемаларни (to the platform, to a corner) адвербиал элементлар билан алмаштирилганда предлоглар тушиб қолади.

(1) Igor walked away to the platform → Igor walked away there. The porter was not there → The porter was not in the platform.

(2) Suddenly he picked one of them up and put it to a corner, where he sat down → Suddenly he picked one of them up and put it there; → He sat down at the corner.

Иккинчи гапда where нисбий олмоши феъл ифодалаган иш-ҳаракатига қараганда локатив адессив синтаксемани ифодаласа, у гапда боғловчи вазифасини ифодалаб релятивликни англатади. Шу боис where – локатив релятив адессив синтаксемани ифодалайди.

Юқорида қайд этилган синтаксемалардан ташқари субстанциал локатив аллатив синтаксеманинг антецедент воситалари локатив аблатив ва локатив релятив объект синтаксемаларни ифодалаш мумкин:

1. Igor ran to the other side of the square, but he couldn't see Eva from there either (RJES, 253).

2. He waved his hand condescendingly, like a bishop blessing his flock, and sailed towards the other door, which padded with brown leather. He opened in with a Yale type key and went in (RJES, 149).

Биринчи гапда субстанциал локатив аллатив (to the other side of the square) синтаксемани адвербиал элементлар here/there билан алмаштирилганда to предлоги тушириб қолдирилади, чунки иш-ҳаракатни ифодаловчи “гап” феълидан субъектнинг ҳаракати маълум маконга йўналтирилганлиги маълум, аммо ушбу синтаксеманинг антецеденти there ни субстанциал локатив аллатив синтаксема билан алмаштирилганда аблативликни ифодаловчи предлоги сақланади:

(1) Igor ran to the other side of the square, but he couldn't see Eva from there either → Igor ran there, but he couldn't see Eva from there either.

Иккинчи гапда эса субстанциал локатив аллатив синтаксеманинг антецеденти which локатив релятив объект синтаксемани ифодалайди. Локативликни ифодалаганлигини исботлашда towards the other door синтактик бирликни there адвербиал элемент билан алмаштирилганда to the direction of there ишлатиш мумкин:

(2) He waved his hand condescendingly, like a bishop blessing his flock, and sailed towards the other door, which padded with brown leather... → He waved his hand condescendingly, like a bishop blessing his flock, and sailed to the direction of there, the other door was padded with brown leather. Бундан ташқари which нисбий олмоши объект синтаксемани ифодалаганлигини исботлашда ... to the direction of there қурилмасини трансформация депассивизацияга айлантирилиш мумкин:

... the other door was padded with brown leather → He padded the other door with brown leather.

Ўзбек тили материали асосида субстанциал локатив аллатив синтаксеманинг антецедентлари локатив адессив ва локатив аблатив синтаксемаларни ифодалайди.

1. Иккала ҳамроҳим билан Мальдонадога қайтиб келдим. У ерда бир кема Лаггнегг оролига жўнаш учун шай бўлиб турган экан (ЖСГ,181).

2. “Қизил тонг” фабрикасининг кийим-бош магазинига кириб боришибди. Бу ерда жуда ҳам кетворган шимлар кўп экан (ФФА,386).

Ушбу гапларда субстанциал локатив аллатив синтаксемаларни ифодаловчи Малдонадога, магазинига синтактик бирликларининг антецедентлари “у ерда”, “бу ерда” локатив адессив синтаксемани ифодалайди. Ушбу ўринда ҳам субстанциал локатив аллатив синтаксемани ифодалаган Малдонадога, магазинига кабиларни адвербиал элементлар билан алмаштирилганда , уларга жўналиш келишигининг морфологик кўрсаткичи - **га** кўшимчасини кўшиш билан адвербиал элементларни Малдонадога, магазинига билан алмаштирилганда ҳам, уларга ўрин-пайт келишик кўшимчасини кўшиш билан ушбу синтаксемаларни ифодаланишини таъминлаш мумкин. Акс ҳолда ушбу гапларнинг нормал курилмасини бузилишига олиб келади.

(1) Иккала ҳамроҳим билан Малдонадога қайтиб келдим. У ерда бир кема Лаггнегг оролига жўнаш учун шай бўлиб турган экан → Иккала ҳамроҳим билан у ерда қайтиб келдим. Малдонадода бир кема Лаггнегг оролига жўнаш учун шай бўлиб турган экан.

Иккинчи гапда ҳам худди шундай алмаштириш трансформацияга риоя қилиш лозим.

(2) “Қизил тонг” фабрикасининг кийим-бош магазинига кириб боришибди. Бу ерда жуда ҳам кетворган шимлар кўп экан → ... бу ерда кириб боришибди. Магазинида жуда ҳам кетворган шимлар кўп экан.

Субстанциал локатив аллатив синтаксема доирасида кўшимча лимитативлик (чегараланган) семанинг ифодаланиши мумкин. Унинг антецеденти эса локатив адессив синтаксемани ифодалайди.

3. Яхши Умид бурнигача ҳамроҳ шамол билан бордик.Бу ерда тоза сув ғамлаб олиш учун лангар ташладик (ЖСГ, 70).

Ушбу гапда “Яхши Умид бурнигача” элементи маълум маконгача субъектнинг ҳаракати чегараланганлиги, ўша чегараланган маконда субъектнинг жойлашиши ва унинг ҳаракати айнан шу ерда рўёбга чиқишини кўрсатади. Бу гапда ҳам юқоридаги гаплардагидек алмаштириш трансформациясига туширганимизда ҳам келишик қўшимчалари ўзаро алмашиши аниқ.


(3) Яхши Умид бурнигача ҳамроҳ шамол билан бордик.Бу ерда тоза сув ғамлаб олиш учун лангар ташладик → ... У ергача ҳамроҳ шамол билан бордик.Умид Бурнида тоза сув ғамлаб олиш учун лангар ташладик.

Умуман олганда, инглиз тили мисолида субстанциал локатив аллатив синтаксеманинг антецедентлари локатив адессив, локатив релятив адессив, локатив аблатив, локатив релятив объект синтаксемаларини ифодаласа, ўзбек тилида эса антецедентлар локатив адессив, локатив аллатив синтаксемаларини ифодалайди. Ўзбек тилида яна бир синтаксема, яъни субстанциал локатив аллатив синтаксема аниқланади, унинг антецеденти локатив адессив синтаксемани ифодалайди.

Уларни қисқача қуйидагича ифодалаш мумкин:

Инглиз тили:

Ўзбек тили:



Мазкур синтаксемаларнинг изоҳи:

SbLcAl – субстанциал локатив аллатив;

SbLcAlLm- субстанциал локатив аллатив лимитатив;

LcAd– локатив адессив;

LcRIAd- локатив релятив адессив;

LcAbl-локатив аблатив;

LcRIOb-локатив релятив объект.

Инглиз тили мисолида гап курилмасида субстанциал локатив аблатив (макондан узоқлашиш) синтаксеманинг антецедентлари локатив адессив, локатив релятив адессив, локатив аллатив ва локатив релятив идентификацияланган синтаксемаларни ифодалайди.

1. The Germans had driven them out of the school.They stood there and waited as they had done the day before (RJES, 269).

2.They were women from the court where Igor lived (RJES, 251).

3.Shouting and sounds of a struggle came from the last carriage. All eyes in the platform turned into that direction (RJES, 251).

4.They come from the Rhine-land, which is also a wine –producing area and they like it in our town (RJES, 260).

Берилган мисолларда out of the school (1), from the court (2), from the last carriage (3), from the Rhine –land (4) синтактик бирликлар субстанциал локатив аблатив синтаксемани ифодалаган. Аммо уларнинг антецедент воситалари there (1) –локатив адессив синтаксемани ифодалаган, where (2) локатив релятив адессив ,into that direction (3)- локатив аллатив , which (4)- локатив релятив идентификацияланган синтаксемаларни ифодалайди.

Биринчи гапдаги субстанциал локатив аблатив синтаксеманинг антецеденти there –локатив адессив синтаксемани ифодаланганлигини алмаштириш трансформация усулидан фойдаланганда субстанциал локатив аблатив синтаксеманинг от билан бирикиб келган предлоглар адвербиал элементларга қўшилади.

(1) The Germans had driven them out of the school.They stood there ... →. The Germans had driven them out of there .They stood at school.

Иккинчи гапда ҳам from the court синтактик бирликни from there билан алмштирилганда, where антецедент воситанинг ўрнига in the court билан алмштириш натижасида ифодаланган синтаксемалар ишотланади:

(2) They were women from the court where Igor lived → ... they were women from there .Igor lived in the court

Демак, антецедент where – локатив релятив адессив синтаксемани ифодалайди.

Учинчи гапда эса from ... carriage–субстанциал локатив аллатив синтаксема, унинг антецеденти into that direction – локатив аблатив синтаксеманинг ифодаланиши куйидаги ўрин алмаштириш трансформацияси ёрдамида аниқлаш мумкин:

(3) Shouting and sounds of a struggle came from the last carriage. All eyes in the platform turned into that direction → Shouting and sounds of a struggle came from there. All eyes in the platform turned into that carriage.

Охирги гапда from the Rhine-land -субстанциал локатив аблатив синтаксема, унинг антецеденти which - локатив релятив идентификацияланган синтаксемани ифодалайди. Ушбу ҳолатни ишотлашда синтактик бирликни from the Rhine-land билан алмаштириш, from there нисбий олмошини the Rhine-land билан алмаштириш усули ёрдамида яққол кўзга ташланади.

(4) They come from the Rhine-land, which is also a wine –producing area ...→ They come from there, the Rhine-land is also a wine –producing area .


Ўзбек тили мисолида субстанциал аблатив синтаксема антецеденти билан йиғилган фактик материалининг гувоҳлик беришича жуда кам учрайди. Унда ҳам унинг антецеденти “у ерга” –локатив аллатив синтаксемани ифодалайди:

Абдуфаттоҳ Гулжадан қайтган экан, бу кун у ерга ҳамма йиғилган (FFA, 13) .

Қайд этилган синтаксемаларни исботлашда “Ғулжадан” синтактик бирликни “у ердан” адвербиал элемент билан , “у ерга” элементини эса “Ғулжадан” компонентлари билан алмаштириш мумкин:

Абдуфаттоҳ Ғулжадан қайтган экан, бу кун у ерга ҳамма йиғилган → Абдуфаттоҳ у ердан қайтган экан, бу кун Ғулжага ҳамма йиғилган.

Шундай қилиб, инглиз тили мисолида субстанциал локатив аблатив синтаксеманинг антецедентлари локатив адессив, локатив релятив адессив, локатив релятив, локатив аллатив ва локатив идентификацияланган синтаксемаларни ифодаласа, ўзбек тилида фақат локатив аблатив синтаксема ифодалаган, уларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:



SbLcAbl – субстанциал локатив аблатив;

LcAd- локатив адессив;

LcRlAd- локатив релятив адессив;

LcRl- локатив релятив;

LcAl- локатив аллатив;

LcId<sub>1</sub> – локатив идентификацияланган.

Гап қурилмасида инглиз ва ўзбек тилларида субстанциал локатив объект синтаксемалар ҳам учрайди. Инглиз тили мисолида локатив объект синтаксеманинг антецеденти фақат where нисбий олмош ёрдамида ифодаланиб, у локатив релятив адессив ва локатив релятив аблатив синтаксемани ифодалайди:

1. He reached Garden Lane, where he receded into the shadows ... (RJES, 323).

2. You wouldn't know St.Elizabeth's square.That's where I come from (RJES,156) .

Мазкур гап курилмасида Garden Lane(1), St.Elizabeth's square(2) субстанциал объект синтаксемани ифодаланишини исботлашда, бош гапларнинг ўзи трансформация пассивизацияга тушади:

(1) He reached Garden Lane...→ Garden Lane was reached by him.

(2)You wouldn't know St.Elizabeth's square → St.Elizabeth's square wouldn't be known by you.

Garden Lane, St.Elizabeth's square синтактик бирликларнинг локатив синтаксемани ифодаланишини уларнинг антецедентлари ишора қилаётганлигини белгилаб бермоқда. Биринчи гапда антецедент where нисбий олмоши локатив адессив, боғловчи вазифасини бажарганлиги боис релятив синтаксемани ифодалайди.Буни исботлаш мақсадида бош гапдаги субстанциал локатив объект синтаксемани ифодалаган Garden Lane ( бирликни where- нинг ўрнига алмаштириш трансформация ёрдамида кўрсатиш мумкин:

(1) He reached Garden Lane ...→ where he receded into the shadows ...→ ... .. he receded into the shadows in Garden Lane.

Иккинчи гапда эса нисбий олмош ҳам where - локатив релятив аблатив синтаксемани ифодалаши Elizabeth's square синтактик бирликни where нисбий олмоши билан алмаштириш натижасида ушбу синтаксема аниқ кўзга ташланади:

(2) You wouldn't know St.Elizabeth's square → ... I come from St.Elizabeth's square.

Инглиз тили мисолида субстанциал локатив объект синтаксеманинг антецедентлари локатив аблатив, адессив ва локатив релятив, аблатив синтаксемаларни ифодалайди.

Ўзбек тили мисолида қаралганда субстанциал локатив объект синтаксеманинг антецедентлари локатив адессив ва локатив аллатив синтаксемаларни ифодалайди.

1. Блефускни ўз ҳокими орқали идора қилиб, у ерда ўз тартиботини ўрнатади (ЖСГ, 40).

2. Шу ҳовлини сотиб олдим. Кейин қонуний равишда шу ерга кўчиб ҳам келдим (ҒҒА, 173).

Ҳар иккала гап таркибидаги “Блефускни”, “ҳовлини” синтактик бирликлар субстанциал локатив объект синтаксемани ифодалайди. Объектик-синтактик-семантик белгини исботлашда трансформациянинг депассивизация усулларидан фойдаланамиз:

(1) Блефускни ўз ҳокими орқали идора қилиб, у ерда ўз тартиботини ўрнатади → ҳоким Блефускини идора қилиб, у ерда ўз тартиботини ўрнатди.

“Блефускини” субстанциал локатив объект синтаксема антецеденти “у ерда” локатив адессив синтаксемани ифодалашини алмаштириш трансформацияси орқали амалга ошириш мумкин:

(1) Ҳоким Блефускини идора қилиб, у ерда ўз тартиботини ўрнатди → Ҳоким ... Блефускини ўз тартиботини ўрнатди.

Иккинчи гапда эса “ҳовлини” синтактик бирлик субстанциал локатив объект синтаксемани ифодалайди. Унинг антецеденти “шу ерга” локатив аллатив синтаксемани ифодалаган. Ушбу синтаксемаларни исботи қуйидаги эксперимент метод усуллари натижасида ўз аксини топади:

(2) Шу ҳовлини сотиб олдим → шу ҳовли мен томонимдан сотиб олинди. “Ҳовлини” – локативликни ифодалашини аниқлаш мақсадида, уни “шу ерни” адвербиал элементлар билан алмаштириш мумкин:

(2) Шу ҳовлини сотиб олдим → Шу ерни сотиб олдим.

Унинг антецеденти “шу ерга” синтактик бирликни “шу ҳовлига” компонентлар билан алмаштириш мумкин:

(2) Шу ҳовлини сотиб олдим. Кейин қонуний равишда шу ерга кўчиб ҳам келдим → Шу ҳовлини сотиб олдим. Кейин қонуний равишда шу ҳовлига кўчиб ҳам келдим.

Юқорида таҳлил қилинган мисоллардан инглиз тили мисолида субстанциал локатив идентификацияланувчи синтаксема мавжуд бўлса, ўзбек тили мисолида субстанциал локатив идентификацияланувчи синтаксемалар аниқланди.

1. Russia is a big country. I've been there and I know (RJES, 72).

2. Бу камбағаллар шўроси, сизга бу ерда ўрин йўқ (FFA, 40).

Ушбу гапларда Russia субстанциал локатив идентификацияланувчи синтаксемадир. Чунки бу гап қуйидаги трансформацияга тушиши билан исботланади: Russia is a ... country.

Бундан ташқари гапнинг кесими ёки ядро предикатив 2 боғлама феъл S + от билан ифодаланиб, гапнинг эгаси, яъни ядро предикатив 2 ўрнида келган синтактик бирлик ҳам от билан ифодаланганлиги боис улар ўртасида бирдайлик (тождество) ёки ўзаро муносиблик мавжудлиги туфайли Russia – субстанциал локатив идентификацияланувчи синтаксема . Аммо Russia – синтактик бирликдаги локативлик семани унинг антецеденти “there” ифодалаган. Чунки бу гапда адвербиал элемент ва Russia бир-бирига қарама-қарши.

Ўзбек тили мисолида эса гап қурилмасида кесим яъни ядро предикатив 2 ўрнида келган “шўроси” синтактик бирлик эса субстанциал идентификацияловчи синтаксемани ифодалайди. Локативлик белгини эса унинг антецеденти бу ерда адвербиал элементлар орқали англаш мумкин. Бу гапда ҳам “шўроси” элементини унинг антецеденти билан алмаштириш мумкин.

(2) Бу камбағаллар шўроси , сизга бу ерда ўрин йўқ ... → Сизга бу шўрода ўрин йўқ.

Демак, “шўроси” – субстанциал локатив идентификацияловчи унинг антецеденти бу ерда – локатив адессив синтаксемадир.

Бундан ташқари, инглиз тили материалларида субстанциал инструментал, субстанциал локатив транслатив синтаксемалар, уларнинг анрецентлари эса локатив агентив, локатив релятив, адессив семаларни ифодалайди.

1. Some go out by the white door and those are happy ones, but some go out by the black door, which leads to the grave (RJES, 123).

2. They accompanied him across the square as far as the beginning of the cul-de-sac where he lived (RJES,224).

Мисолнинг биринчисида *by the black door* – субстанциал локатив инструментал синтаксемани ифодалайди. Ушбу синтаксемани исботлашда *with the help of, by means of* каби элементларни қўшимча қилиш трансформацияси усули ёрдамида амалга ошириш мумкин:

(1) ... Some go out by the black door, which leads to the grave →... Some go out by means of the black door, which leads to the grave ёки *by the black door* синтактик бирликни *by there* адвербиал элементи билан алмаштириш мумкин:

... some go out by the black door, which leads to the grave → some go out by there which leads to the grave. Унинг антецентлари эса локатив агентив синтаксемани ифодалайди.

Иккинчи гапда эса *across the square* – субстанциал локатив транслатив синтаксемани ифодалайди. *across the square* синтактик бирликни ифодалашда, уларни *along there, through there* кабилар билан алмаштириш трансформация ёрдамида қаралса, кўзга ташланади:

(2) They accompanied him across the square ...→ they accompanied him along there/through there.

*Across the square* – субстанциал локатив транслатив синтаксемани “where” – локатив релятив адессив синтаксемани ифодалайди.

Ўзбек тилида бунга ўхшаш синтаксемаларни қўшма гаплар ёки микромаатн доирасида учратмадик.

## I Боб бўйича хулосалар

Мазкур бобда локативлик категориясини кўшма гаплар ёки микроматнда дейктик хусусиятларини синтаксемаларга ажратиб, таҳлил қилиниб, локативлик доирасида анафора, антецедентларни инглиз ва ўзбек тилларида мисолида қиёсий таҳлил қилиб, қуйидаги хулосага келдик.

1. Тилшуносликда матн тилшунослиги пайдо бўлгач, олимлар танлаган муаммоли тил объектлари микро ва макроматнлар доирасида прагматик, когнитив, лингвомаданият ҳамда дейктик ҳолатларни аниқлаш каби илмий ёндашувлар асосида атрофлича танқидий ишларини олиб бормоқдалар. Мазкур бобда асосан инглиз ва ўзбек тилларида субстанциал локатив категориясининг дейктик воситаларига атрофлича тўхталдик.

2. Тилшунослар дейксис ходисаси асосида тил материални тадқиқ қилишда турлича ҳолатларни тавсифлайди, яъни дейксиснинг ифодаланишида айрим тилшунослар аниқ, равшан кўрсатиши, анафорик кўрсатиш, фараз қилинаётган объектни кўрсатиш ҳақида тўхталса, бошқалари дейксис тизим марказида сўзловчи шахс туради, унинг макон ва замонда ўрин олишини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир каби хулосалари мавжуд. Тилшуносларнинг махсус дейксис соҳасидаги тадқиқотларга эътибор қаратилганда, шахс дейксиси, макон дейксиси, замон дейксиси, ҳатто майл категорияларини, аниқ артиклли отларни, ижтимоий муносабат, матн дейксиси, дискурс дейксиси кабилар ҳақида кўпгина илмий ишлар мавжуд бўлса-да, макон дейксисини алоҳида тадқиқ объекти қилиб олинмаганининг гувоҳи бўлдик.

3. Дейксисшунос олимларнинг кўрсатмалари ва тадқиқларидан келиб чиққан ҳолда, ишимизда макон дейксиси мулоқот жараёнида сўзловчи ёки муаллиф ёки суҳбатдош (адресат ва адресант) китобхон эгалланган ўрнига ҳамда иш- ҳаракатининг бажарилганлиги, бажарилиши ёки содир бўлиши ўрнига ишора қилиш, эслатиш, кўрсатиш кабилар макон дейксиси мазмунини ташкил этади. Аммо ушбу ишда тилшуносларимизнинг дейктик воситаларини тадқиқ қилган илмий ишлардан фарқи ёки макон дейксисига

янгича ёндашув бўлиб, мураккаб кўшма гаплар ёки микроматн таркибида эксплицит тарзда ифодаланган локативлик категорияси ва унинг вариантларига маконни ишора, эслатиш, кўрсатиш воситалари синтаксемаларга ажратиб, қиёсий таҳлил қилиш билан фарқланади. Бундай ёндашув дейксис ҳодисаларни лисоний таҳлил қилишни янада бойитади ва унинг янада таҳлилий қирраларини кенгайтиради деган умиддамиз.

4. Тадқиқотнинг натижаларидан келиб чиққан ҳолда, микроматн бошида ва мураккаб кўшма гаплар бошида, ёки тағмаёнодаги субстанциал синтаксеманинг вариантларига ишора кўрсатувчи маконни ифодаловчи воситалардан *there* ва *here* равишлари кўпроқ учраб, иш-ҳаракат маконини сўзловчи ва суҳбатдош ёки тингловчидан узоқдалигини *there* орқали, яқиндалигини эса *here* ёрдамида ифодаланади. Ундан ташқари нисбий олмошлардан *where, which, behind which, through which, in the centre of which, in front of which* ҳамда кишилиқ олмошларидан *it, them*, гумон олмоши *anywhere* кабилар ёрдамида берилса, ўзбек тилида эса бу ерда, шу ерда, у ерда, бу ерга, шу ерга, у ерга, у ердан, ўша ердаги, ўша ёққа кабилар ёрдамида макон дейксиси таркиб топади.

5. Маконга ишора қилувчи синтактик бирликлар субстанциал синтаксемани вариантлари билан синтаксемаларга ажратиб, қиёслаб, таҳлил қилинганда, уларнинг ўзаро мутаносибликларини аниқлаганимизда субстанциал локатив адессив синтаксемани, унинг антецедентлари *here, there* ва *where* синтактик бирликларни ифодалайди. Фақат *where* нисбий олмоши локатив адессив синтаксема билан биргаликда боғловчи вазифасида келганда, релятивлик синтаксемани ҳам ифодалайди.

Субстанциал локатив аблатив синтаксеманинг антецедентлари предлог *S* + равиш *from here/ from there* кабилар ёрдамида ифодаланган синтаксемалар тўлиқ локатив аблатив синтаксемаларга мос келиб, антецедентлар кореферентлик вазифаларини ўтайди.

Ўзбек тилида ҳам субстанциал локатив адессив синтаксеманинг антецедентлари бу ердаги, у ерда кабилар ҳам ўша синтаксемага мутаносиб

бўлиб, кореферентлик вазифасини бажаради. Умуман ҳар иккала тил мисолида субстанциал локатив синтаксеманинг вариантларида адессив синтаксема инглиз тилида  $in + S$ , унинг антецедентлари  $where, here, there$ , ўзбек тилида эса  $S + da$  унинг антецедентлари бу ерда, у ерда, аллатив синтаксема инглиз тилида  $S -$  унинг антецеденти  $there, to+S \leftrightarrow there$  ёрдамида ифодаланиб ўзаро мутаносиблик бўлса, ўзбек тили вариантыда эса локатив аллатив синтаксемани  $S + ga$  ёрдамида ифодаланса, унинг антецеденти у ерда – адессив синтаксемани ифодалайди.

6. Қўшма гаплар ва микроматнлар доирасида субстанциал синтаксема ифодалаган синтаксемаларнинг вариантлари ифодалаган синтаксемаларнинг антецедентлари ифодалаган синтаксемалар мос келмаслиги мумкин. Субстанциал локатив адессив синтаксеманинг инглиз тилида уларнинг антецедентлари локатив аллатив, локатив транслатив, локатив агентив, квалитативлик юклатилган локатив релятив синтаксемаларни ифодаласа, ўзбек тилида эса фақат локатив аллатив ва локатив аблатив синтаксемаларни ифодалайди.

7. Субстанциал локатив аблатив синтаксеманинг антецедентлари инглиз тилида локатив адессив, локатив релятив адессив, локатив аблатив, локатив релятив объект синтаксемаларни ифодалайди. Ўзбек тилида эса субстанциал локатив аллатив ва лимитатив синтаксемаларнинг антецедентлари фақат локатив адессив ва локатив аблатив синтаксемаларни ифодалайди.

8. Инглиз тилида субстанциал локатив аблатив синтаксемани антецедентлари локатив адессив, локатив релятив адессив, локатив релятив, локатив аллатив, локатив идентификацияланган синтаксемаларни ифодаласа, ўзбек тилида эса атиги биргина синтаксемани яъни локатив аллатив синтаксемани ифодалайди.

9. Субстанциал локатив объект синтаксеманинг антецедентлари инглиз тилида локатив релятив адессив, локатив релятив аблатив синтаксемаларни ифодаласа, ўзбек тилида локатив адессив ва локатив аллатив синтаксемаларни ифодалайди. Ундан ташқари ҳар иккала тилда субстанциал

локатив идентификацияланувчи ва локатив идентификацияловчи синтаксемалар учрайди, антецедентлари фақат локатив адессив синтаксемани ифодалайди.

10. Инглиз тили гап қурилмасида субстанциал локатив инструментал синтаксема учрайди, унинг антецеденти эса локатив агентив синтаксемани ифодалайди ҳамда субстанциал локатив транслатив синтаксеманинг антецеденти локатив релятив адессив синтаксемани ифодалайди. Айтиш жоизки, қайд қилинган синтаксемаларнинг бир-биридан фарқлари эксперимент методи асосида исботланди.

## II Боб

### Инглиз ва ўзбек тилларида маконни ифодаловчи семаларнинг коннататив вариантлари

Ишнинг биринчи бобидан маълумки, локатив синтактик бирликларни семаларга ажратиб таҳлил қилинганда, субстанциал локатив доирасида адессив, аллатив, аблатив, транслатив, объект,инструментал, тарз семалар ва уларнинг инглиз ва ўзбек тилларида ифодаланиш усуллари ҳамда субординатив алоқа асосида қандай семалар билан боғланиш имкониятлари аниқланди.

Юқорида қайд этилган ҳар бир субстанциал локатив семаларнинг вариантлари ушбу бобда таҳлил қилинади.

Ҳар бир аниқланган локатив семаларнинг предлогли, предлогсиз вариантларига бўлиниб, предлогли вариантлари коннататив, факультатив лексико-комбинатор вариантларга бўлинса, предлогсиз вариантлар фақат адвербиал элементлар асосида ифодаланади.

Коннататив вариант бир сема бир неча предлогли от бирикмаларидан иборат бўлиб, уларни бирини иккинчиси билан алмаштириб бўлмайди, улар бир-бирига оппозитив муносабатда бўлади, лекин умумий мазмуни бир семага мос келади.

Масалан:

1. He didn't put the cover on the box (STA,93).
2. We have enemies in the town (STA,49).
3. I am going to tea in the studio (WSM, 12).

Бу гапларда on+ S, in + S, at +S локатив адессив семаларни ифодалаган предлогли бирикмалардаги предлогларни бир-бири билан эркин алмаштириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам on the box, in the town, at the studio бирикмалар субстанциал локатив адессив семанинг коннататив вариантлари ҳисобланади.

Факультатив вариант эса ҳар хил предлоглар билан бирикиб келган от бирикмаларидаги бир семани ифодаловчи предлогларни бир-бири билан эркин алмаштириш мумкин:

4. I left him in the boat (JKJ, 140).

5. Susie had met on the Riviere (WSM, 131).

Бу гапларда локатив адессив семани ифодалаган *in the boat* бирикмани *on the boat*, *on the Riviere* бирикмасини эса *in the Riviere* бирикмаси билан алмаштириш гапларнинг мазмунига путур етмайди [28].

Лексика-комбинатор вариант деганда, локатив адессив ёки бошқасини ифодалашда айрим предлоглар фақат айрим лексик birlikлар билан ишлатилишига айтилади. Айниқса контенентлар, давлатлар номи, тоғ тизмалари номларидан олдин фақат бир хил предлогларнинг ишлатилиши локативликнинг лексика-комбинатор варианты ҳисобланади.

Адвербиал вариант – локативликни ифодаловчи равишлар *here, there, near, downstairs, upstairs, everywhere* ва ҳоказолар ёрдамида ифодаланади.

Шундай қилиб, локатив адессив ,локатив аллатив, локатив аблатив, локатив транслатив, локатив объект, локатив инструментал, локатив тарз семаларнинг вариантларини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

## **2.1. Локатив адессив семанинг коннататив вариантлари**

Инглиз тили мисолида локатив адессив семанинг бир қатор коннататив вариантлари мавжудлиги аниқланди. Улар қуйидаги предлогли от бирикмалари ёрдамида ифодаланади: *inside+S, in/on the opposite of +S, in +S, round ёки around +S* ва ҳоказолар. Ушбу предлоглар локатив семанинг вариантларини ифодалайди. Бу коннататив вариантларни адессив семанинг бир инвариантига киритишда уларнинг асосан мазмуни жиҳати ҳисобга олинади, семаларнинг оппозитив муносабатларини ойдинлаштиради. Шунинг учун ҳам локатив адессив семани ифодалашда ушбу предлогли от бирикмалари коннататив вариант ҳисобланади, чунки бу бирикмалар

факультатив вариант сингари бирининг ўрнига иккинчисини алмаштириб бўлмайди.

Шундай қилиб, адессив семаларнинг коннататив вариантлари бир-бири билан алмаштириб бўлмаслиги, предлогнинг от билан бирикиб келиши ҳам отнинг лексик маъносига таъсири йўқ. Предлогларнинг лексик маъносидан келиб чиқиб, семаларнинг у ёки бу вариантыни ифодалайди:

Қиёсланг: They heard a footstep inside the house (WSM,188).

My friends arrived on the opposite of bank (JKJ, 154).

He was lodging by himself in the house (JKJ,96).

He would spring round the room (JKJ,24).

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, предлоглар inside, on the opposite of, in, round ўзларининг лексик маъноси асосида локатив адессив семанинг коннататив вариантларини , бирикиб келган отларнинг ёки кесим ўрнида келган феълларнинг лексик таъсири унчалик сезилмайди.

Маълумки, вариант inside+S жойлашиш маъносини ифодалаб, объектнинг ичида иш-ҳаракатнинг бажарилишини ёки бажарилмаслигини англатади:

We just managed to keep inside the boot (JKJ,156).

Вариант on the opposite of + нарса-предметни , шахсни бир объект ёки шахснинг қаршисида жойлашишини ифодалайди:

The grocer's boy passed on the opposite of the street (JKJ, 156).

In + S бирикмаси аниқ бир жойда жойлашишини ёки етиб келишини белгилайди. Бу предлог кўп маъноли ҳисобланиб, у субъектнинг ёки объектнинг турган, яшаётган ўрнини англатади:

They had spent in the woods of Skene (WSM,182).

Вариант around ёки round +S бирикмаси бирор нарса ёки бирор объект, манзил атрофида иш-ҳаракатнинг бажарилишини ифодалайди:

They brought the cars around the villa (EHFA,134).

Harris always knows a place round the corner (JKJ, 19).

Вариант outside+S ёки out of +S бирикмаси шахсни ёки нарсани маконнинг ёки жойнинг ташқарисида жойлашишини кўрсатади:

The second man climbs out of the boat (JKJ,81).

The Germans have stopped outside Udine (EHFA,158).

Вариант over +S ёки above+S ёки макондан баландда жойлашишини ифодалайди:

There were clouds over the lake and over the valley (EHFA, 57).

Queen Elisabeth passed on the right bank just half a mile above the Marlay Bridge (JKJ,121).

Вариант near +S субъектнинг ёки объектнинг макон яқинига жойлашишини ифодалайди:

She came near the gates of the city (STA,57).

Вариант under + S субъект ёки объект ўринни ифодаловчи синтактик бирликнинг тагида жойлашишини англатади:

We stopped under the willows by Kempton Park (JKJ,63).

It was while floating in his boat under Bishom beecles (JKJ,121).

Вариант between +S субъект ёки объект икки макон ўртасида жойлашишини ифодалайди:

He'd already traced between the altar and the tripod (WSM,61).

Вариант behind + S субъект ёки объект белгиланган маконнинг орқасида жойлашишини англатади:

I've got a cab behind the door (WSM,162).

I've discovered an M.S. behind the library of the Arsenal (WSM,150).

Вариант in the middle of + S иш-ҳаракатини маконнинг ўртасида бажарилишини ёки шахсни жойлашишини англатади:

She stood in the middle of the room (WSM,109).

The island in the middle of a wide river (STA,85).

Вариант along + S иш-ҳаракатининг шахс томонидан макон бўйлаб йўналишини ифодалайди:

They walked along the passage (WSM,109).

Susie walked some way along the road (WSM,146).

Ўзбек тилида ҳам локатив адессив семанинг коннотатив вариантлари асосан S + ўрин-пайт келишиги кўшимчаси –да нинг ўрин равишларига кўшилиб келиши ёрдамида ифодаланади:

Вариант S + ортида ёрдамида субъект ёки объект макон ортида жойлашишини англатади:

Кун булут ортида қолди (ТМО, 208).

Вариант S+ адоғида бирикма шахс ёки нарса-предметнинг макон охирида ўрин олишини ифодалайди:

Даласи Фарғона адоғида бўлади (ТММ, 5).

Вариант S + ўртасида бирикмаси шахс ёки объект икки макон ўртасида бўлишини англатади:

Икки аскар ўртасида бордим(РБАД, 224)

Вариант S + тарафда/ томонда иш-ҳаракатни маълум маконда амалга ошишини ифодалайди:

Бизнинг Сурхон тарафда хўжалар бекалар отини атамайди (ТМО, 26).

Вариант S + устида/хақида бирикмаси иш-ҳаракатни ёки ҳолатни бирор объектнинг бажарилишига қаратилади:

Машина устида ишлаётганларига мана, 20 йил бўлмоқда(ШОЗ, 159).

Вариант S + бурчида бирикма объектнинг ёки субъектнинг маконнинг бир қисмида жойлашганлигини англатади:

Уй бурчида турмуш бешик-бешик кўзимга ёмон кўринди (РБАД, 184).

Вариант S + ўнгида бирикма иш-ҳаракатини маконнинг ўнг томонида бажарилишини ифодалайди:

Салоҳиддин бўйрачи ариқ ўнгида оёқ илади (ШТ, 7).

Вариант S + қошида иш-ҳаракатнинг маконга яқин жойда ижро этилишини кўрсатади:

Ёрмозор масжид –мадраса қошида тўдалайди (ТМО,15).

Вариант S + четида бирикмаси ёрдамида объект ёки субъектнинг макон четида жойлашганлигини ифодалайди:

Машина йўлак четида оёқ илди (АДК, 175).

Вариант S +теварагида/гирдида иш-ҳаракатнинг макон атрофида содир бўлишини ифодалайди:

Ўра теваарагида бешта бидон бўлди (ШТ,228).

Болалар онамиз гирдида ғуж-ғуж бўлиб олди (РБАД, 221).

Вариант S + лабида/ бўйида иш-ҳаракатнинг маконнинг бир жойида амалга ошишини ифодалайди:

Бобомиз арик лабида музтар бўлиб – музтар бўлиб ўтирарди (ТМО, 10).

Бўйрачи арик бўйида соялайди (РБАД, 7).

Вариант S + юзида/ бетида бирикмаси иш-ҳаракатнинг маконда содир бўлишини англатади:

Ховли юзида сатиллар думалаб ётди (ШОЗ, 170).

Ер ости суви ер бетида булғанди (ШТ, 77).

Вариант S + пойида бирикма иш-ҳаракатни маконнинг пастки қисмида бажарилишини ифодалайди:

Мозор пойида тизза бўлдим (ПКҶЮТ,184).

Вариант S +орасида бирикма иш-ҳаракатини маконни ифодаловчи синтактик бирлик орасида содир бўлишини ифодалайди:

“Садист” билан “сокол” орасида копток бўлиб бориб келавердим (ТМО, 223).

S + бошида бирикмаси иш-ҳаракатининг маконнинг бошланиш жойида содир бўлишини ифодалайди:

Дала бошида турмуш агитмашина ашула айтди (ТМО, 214).

Вариант S +ичида субъектни ёки объектни макон ичида жойлашишини ифодалайди:

Бола ўзи пахта ичида қолибди-да (ШТ,72).

Вариант S + остида бирикмаси субъектни ёки объектни белгиланган макон тагида ўринлашишини ифодалайди:

Ёнғоқни остида ҳам ухлар эдимиз? (РБАД, 177)

Машина кўприк остида оёқ илди (ОЁҚД, 224).

Вариант S +олдида иш-ҳаракатини макон олдида бажарилишини кўрсатади:

Мотоциклини касалхона дарвозаси олдида қолдирдим (ТМО, 171).

Юқорида келтирилган фактларда аниқланишича, ҳар иккала тилда локатив семани ифодаловчи лексемаларни ҳисобга олиш анча мураккаб, чунки локативликни ифода ловчи лексик материал умумлашган бўлиб, лексемаларнинг индивидуал маъносига тўлиқ тобе эмас. Лекин адессив семани ифодаловчи субстантив лексемалар турли хил семантик гуруҳларда бўлиши мумкин:

- а) конкрет жонли ва жонсиз отлардан ташкил топади;
- б) мавҳум отлардан иборат бўлиши мумкин;
- в) атоқли отлар (географик номлар, жонли ва жонсиз отлар)дан бўлиши мумкин;

## **2.2. Локатив аллатив семанинг коннататив вариантлари**

Маълумки, локатив адессив сема субъектни ёки объектни маконга жойлашганлигини англатса, локатив аллатив сема эса иш-ҳаракатнинг маълум жойга ёки маконга йўналтиришини кўрсатади.

а) Коннататив вариантлар

Инглиз тили мисолида турлича предлогли бирикмалардан ташкил топган синтактик бирикмалар локатив аллатив семани ифодалайди. Уларни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин:

1. He got up and moved towards the door (WSM,84).
2. He dived into the sea (STA,20).
3. She looked at the ground (WSM,182).
4. She returned to England (WSM,114).
5. He climbed up on the wall (JKJ,168).

Белгиланган синтактик бирикларнинг локатив аллатив семани ифодаланиши предлогли от-бирикмаларни трансформация субституция ёрдамида here ёки there равишлари билан алмаштириш мумкин, ҳамда

предлогли бирикмалар in the direction of, on the direction of, to the direction of кабиларни ушбу гаплар таркибига киритиш билан аниқлаш мумкин:

(1) He got up and moved towards the door → He got up and moved towards there → He got up and moved to the direction of the door.

(2) He dived into the sea → He dived in the direction of the sea → He dived there.

(3) She looked at the ground → She looked at there → She looked at the direction of ground.

(4) She returned to England → She returned to there → She returned to the direction of England.

(5) He climbed up on the wall → He climbed up there → He climbed up on the direction of wall.

Трансформация субституциядан маълумки адвербиал элементлар here, there гап таркибида локатив семанинг вариантларини ифодалаб, маконнинг яқиндалигини here, маконнинг узоқдалигини there англатади. Улар барча локатив семани ифодалаш мумкин. Аммо адессив, аллатив, аблатив, транслатив, объект, тарз семаларни бир-биридан фарқлашда адессив, аллатив семаларни ифодалаган предлогли бирикмалар ўз кучини йўқотади, аблатив, транслатив семаларда предлоглар сақланади.

1. Вариант on + S ёрдамида иш-ҳаракатини бажарилиши объект устига қаратилади:

Harris and I left things on the table (JKJ,45).

2. To +S предлогли бирикма иш-ҳаракатини объект томон йўналтирилганлигини ифодалайди:

I went back to the cars (EHFA, 138).

3. In +S бирикмаси нарса-претметни бирор объектни бирор нарса ичига жойлашишини ифодалайди:

We laid our troops down in the hall (JKJ,112).

4. Вариант into +S бирикмаси иш-ҳаракатни бажарилиши объект ичига қаратилганлигини ифодалайди:

I went back into the boat (JKJ,116).

5. Вариант for +S иш-ҳаракатнинг бажарилиши объектгача боришини кўрсатади:

At dinner I ate quickly and left for the villa (EHFA,18).

6. Вариант above+S иш-ҳаракати объект ёки манзил устида содир бўлишини ифодалайди:

The river winds above the bridge tremendously (JKJ,77).

7. Вариант towards + S иш- ҳаракатининг тўғридан-тўғри объектга йўналтирилганлигини ифодалайди:

Abdulla moved slowly towards the net (STA,18).

8. Вариант across + S иш –ҳаракатини ёки ҳолатини объект қаршисида амалга ошишини ифодалайди:

She leaned across the fence (Muller,27).

He went across the wind (Muller,27).

9. Вариант under +S иш-ҳаракатини объект тагида бажарилишини ифодалайди:

He put his suitcase under the table (Muller,98).

10. Вариант against + S иш-ҳаракатни объектга қарши жойда бажарилишини ифодалайди:

The rain was beeting against the windows ( Hornby,13).

Ўзбек тили мисолида қаралганда от билан равишларнинг жўналиш келишиги кўшимчаси ёрдамида ифодаланиш усулларининг барчаси коннотатив вариантлар ҳисобланади.

1.Вариант S +га иш-ҳаракатининг маконга йўналишини ифодалайди:

Машинасини далага чиқарса бўлади (ШОЗ, 157).

2. Вариант S + тарафга/томонга иш-ҳаракатини макон томонга қаратилишини англатади:

Бўри полвон машинасини уй томонга бурди (ТМО, 70).

3. Вариант S + олдига бирикмаси иш-ҳаракатининг бажарилиши макон яқинида содир бўлади:

Тарлонни идора олдига боғлади (ТМО,109).

4. Вариант S + ичига бирикма иш –харакатининг макон ичига каратилганлиги ва унда содир бўлишини ифодалайди:

Улоқ чуқур ичига тушсагина ҳалол бўлади (ТМО, 134).

5. Вариант S + остига иш-харакатининг бирор объект тагида амалга ошишини англатади:

Қўловгич остига етаклаб борди (АДК, 109).

6. S + ўртасига бирикмаси иш-харакатининг макон ўртасида намоён бўлиши кўзда тутилади:

Бўри полвон давра ўртасига бориб чўк тушди (ТМО, 49).

7. Вариант S +четига иш-харакатининг макон ёки манзилни бир чеккасида содир бўлишини ифодалайди:

Супа четига бориб ўтирди (ШТ, 70).

8. Вариант S + айланасига иш-харакатининг макон атрофида бажарилишини англатади:

Давра айланасига гилам тўшалди (ШТ, 10).

Инглиз ва ўзбек тилларида қайд этилган локатив аллатив семанинг коннотатив вариантларини бир-бири билан факультатив вариантларга ўхшаб ўзаро эркин алмаштириб бўлмайди.

б) Факультатив вариантлар

Локатив аллатив семани ифодаловчи синтактик бирикмалар яъни инглиз тили мисолида қаралганда, to + S, in+S, for +S, on +S, into+S, above +S, towards +S, under +S, against +S, across +S бирикмалар ҳаракатни ифодаловчи феъллардан кейин келганда ўзбек тилида S + га ёрдамида берилади.

Ушбу предлогли от бирикмаларидан to +S ни towards +S билан , in +S ни into +S билан, on +S ни above +S , near +S ни by+S ёки beside + S лар билан эркин алмаштирилганда гаплар ифодаланган фикрни кўзга кўринарли даражада ўзгартирмайди. Масалан:

1. He had found a place by the square (JKJ,22) → He had found a place near the square → He had found a place beside the square.

2. He went to the door and looked out (EHFA,124) → He went towards the door and looked out.

3. A strange man walked into the pavilion (STA, 63) → A strange man walked in the pavilion.

4. I undress and put my head on the pillow (JKJ,95) → I undress and put my head above the pillow.

Ўзбек тилида эса икки усул ёрдамида локатив аллатив семанинг факультатив варианты ифодаланиши мумкин:

1. S + га модел ёрдамида ифодаланганда инглиз тилининг турли хил предлоглари феълнинг лексик-семантик гуруҳига қараб to + S, in+S, for +S, on +S, into+S, above +S, towards +S, under +S, against +S, across +S каби бирликлар ёрдамида берилиши кўзга ташланади.

2. Юқорида қайд этилган инглиз тили предлогли от бирикмалар предлогнинг лексик маъносига кўра ўзбек тилига отнинг жўналиш келишик кўшимчасини олган равишлар ёрдамида берилади: on + S → S + устига, under+S → S + тагига, opposite +S → S + қаршисига, in the middle of +S → S + ўртасига, behind+S → S + орқасига, near+S, by+S, beside +S → S + ёнига, in the direction of +S → S + томонига кабилардир.

### **2.3. Локатив аблатив семанинг коннотатив вариантлари**

Аблатив синтактик-семантик белгини аниқлашда асосан аллатив сема билан қарама-қарши қўйилади [ 28,11; 268] .

Маълумки, локатив аллатив семани аниқлашда юқорида қайд қилганимиздек, предлогли от бирикмалар to+S ни towards + S билан ёки in+S ни into + S ва ҳоказоларни алмаштириш усуллариға ҳамда here ёки there ўрнини ифодаловчи равишлар билан алмаштириш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, локативликни мавжудлигини исботлаш мумкин. Аммо, бу алмаштириш трансформация усули ва локативлик асосида аллативлик семани атрофлича очиб бера олмаганлиги туфайли, аллативликни тўлиқ аниқлаш мақсадида гап қурилмасига in the direction of, on the direction of , to

the direction of каби таркибли предлогли бирикмаларни кўшимча қилиш усули ёрдамида аниқлаш имконияти топилди.

Локатив аллатив семаларни ифодаловчи предлогли от бирикмаларини адвербиал элементлар (here,there) билан алмаштирилганда, предлоглар ҳам от билан тушириб қолдирилади:

1. The night I was return to the front of (EHFA,102)→ The night I was return there.

2. Sometimes a visitor would come to the house (JKJ.139)→ Sometimes a visitor would come here.

Ушбу гапларни where сўроқ олмоши ёрдамида ҳам махсус сўроқ гапларга айлантириш мумкин:

(1) The night I was returned to the front of → Where were you the night returned?

(2) Sometimes a visitor would come to the house →Where would a visitor come to?

Аммо локатив аблатив синтаксемани ифодаланиши адессив, аллатив семалардан фарқи асосан предлогли бирикмаси from +S ёрдамида ифодаланади. Эксперимент методидан фойдаланилганда , яъни локатив аблатив семани ифодаловчи синтактик бирликлардан from предлоги сақланади.

Масалан:

1. All expect two young fellows ,students, just returned from Germany(JKJ,72).

2.Arthur had telegraphed from London (WSM, 163).

3. The basket and the shells full of jewels had been brought from the shore (STA,36).

Бу мисолларни эксперимент методи ёрдамида локатив аблатив семаларни ифодаловчи синтактик бирликларни адвербиал элемент there билан алмаштириб кўрамиз:

(1) All expect two young fellows ,students, just returned from Germany → All expect two young fellows ,students, just returned from there.

(2) Arthur had telegraphed from London → Arthur had telegraphed from there.

(3) The basket and the shells full of jewels had been brought from the shore → The basket and the shells full of jewels had been brought from there.

Ундан ташқари бу гапларни where сўроқ олмоши ёрдамида трансформация-интеррогацияга айлантирганимизда ҳам предлог from туширилиб қолдирилмайди.

(1) All expect two young fellows ,students, just returned from Germany → Where did all expect two young fellows ,students, just return from?

(2) Arthur had telegraphed from London → Where had Arthur telegraphed from ?

(3) The basket and the shells full of jewels had been brought from the shore → Where had the basket and the shells full of jewels been brought from ?

Аблатив семанинг ифодаланишида Ж.Бўронов, Ў.Қ.Юсупов, М.Т.Ирискулов, А.Содиқовларнинг фикрича about +S, out of +S, of +S, by +S, with +S, through + S, for +S, about +S, in +S, on +S, at + S, above + S, because of + S, over +S, off + S, across + S, via + S кабилар ёрдамида берилишини таъкидлайдилар [45,100-107].

Шу пировардида таъкидлаш жоизки, ушбу аблативликни ифодалаш усуллари ўзбек тилида отларнинг чиқиш келишиги S+ дан маркери маъносидан келиб чиққанлиги кўриниб турибди. Лекин синтактик сатҳда локативлик асосида аблатив сема қаралганда иш-ҳаракатининг объектдан ёки макондан узоқлашишини ифодалаш билан чекланади. Юқорида кўрсатилган предлогли бирикмалар турлича семаларни ифодалаш мумкин.

1. From + S варианты субъектни объектдан узоқлашишини кўрсатади:

He came back from the shore (СТА, 28).

2. Out of +S бирикмаси субъектнинг ёки предметнинг объект ёки маконнинг ичидан чиқишини англатади:

He came out of the room (CDFS,101).

3. Over +S варианти объектнинг устидан узоқлашишини кўрсатади:

He pulled off his hat over his eyes (DThJG.525).

4. Outside of + S варианти иш-ҳаракатини маконнинг ташқарисига қаратилган бўлиб, ўша ташқарида ҳаракатнинг рўёбга чиқишини ифодалайди:

Put the flowers outside the room (ELVG,312).

5. Off +S варианти объектни макон устидан узоқлаштиришда ишлатилади:

Put your hands off the table (JLME,511).

6. Вариант from under + S объектни маконни ифодаловчи ўриннинг тагидан узоқлаштиришни ифодалайди:

He took the box from under the table (MYST,167).

7. Вариант from behind +S иш-ҳаракат объектни маконнинг орқа қисмидан узоқлаштиришни белгилайди:

He drived his car from behind the plant (EHFA, 164).

Ўзбек тилида ҳам локатив аблатив семанинг коннататив вариантлари куйидагича:

1. S + дан иш-ҳаракатини макондан узоқлаштирилиши назарда тутилади:

Сурхондарёдан хат-хабар келдими, ҳамшаҳар Қурбон? (ТМО, 236).

Тақимига бошсиз улоқ босиб тўйхонадан чиқди (ШТ,8).

2.S + тарафдан варианти иш-ҳаракатини бир макондан узоқлашиши ва бошқа бир маконга яқинлашишини ифодалайди:

Адир тарафдан келаётган кўй-эчкилар маъраши билан чўпонлар овози тобора ёрқинроқ эшитилди (ШОЗ, 18).

3. S +остидан бирикмаси кўрсатилган объект тагидан иш-ҳаракатининг бошланишини англатади:

Бир қарич ер остидан бир сиқим тупроқ олдим (ШТ, 130).

Тупканни тагидан бўлсада, қайтиб келаман (РБАД, 262).

4. S + бошидан варианты иш-ҳаракатини объектнинг бошидан бошланишини англатади:

Ховуз бошидан бир ариқ олдим (ШТ, 156).

5. S + орқасидан /кетидан варианты объектдан узоклашмасдан, аксинча унга эргашиш иш-ҳаракатини ифодалайди:

Шу боис отамиз орқасидан йўл олиб йиғлайман (ШОЗ, 38).

Тулкилар темиртиш кетидан эргашди (ТМО, 76).

Юқорида қилинган таҳлилилардан маълум бўлдики, локатив аблатив семанинг коннататив вариантлари инглиз тилида from +S, out of +S, outside of +S, ўзбек тилида S + дан → off +S, outside of +S мос келса, from +S эса S+дан, S + ёқдан, S +адоғидан, outside of +S → S+дан ташқари, over +S → S + тарафдан кабиларга мос келади.

Вариант from under +S →(нинг) S +тагидан/олдидан, from behind +S →(нинг)S + орқасидан/кетидан каби вариантларига тўғри келади.

#### **2.4. Локатив транслатив семанинг коннататив вариантлари**

Локатив транслатив семанинг инглиз тилида асосан along +S, through +S, via +S, round +S, across +S, over +S кабилар асосида ифодаланса, ўзбек тили мисолида S + бўйлаб, S +орасидан, S +дан ичкари, S + ни оралаб, S + ёнида, S +га S + орқали бирикмалар ёрдамида берилади.

1. Along +S варианты иш-ҳаракати маконда тўхтамасдан ўтишини ёки макон доирасида содир бўлишини англатади:

They walked along a narrow path (WSM.178).

2. Through +S варианты макон ичида бўлаётган ҳаракатни ифодалайди:

They went through the rooms on the first floor (WSM,188).

3. Via +S варианты бир макондан иккинчи маконга боришда бошқа бир макон орқали иш-ҳаракатининг кесиши асосида амалга оширилади:

I came to Paris via London (WSM, 8).

4. Round +S варианты иш-ҳаракатининг макон атрофида ёки теварагида амалга оширилишини билдиради:

Drake sailed round the world (ELVG, 560).

5. Across +S варианты иш-ҳаракатини маконни кесиб ўтилишини ифодалайди:

He travelled across the country (JLME, 21).

6. Over + S варианты субъектнинг макон бўйлаб бажарадиган иш-ҳаракатини ифодалайди:

He has travelled all over the Europe (ENFA, 200).

Ўзбек тили мисолида ҳам локатив транслатив семанинг қуйидаги вариантлари учрайди: S +дан, S +бўйлаб, S +орасидан, S +ни +оралаб, S +дан ичкари, S +атрофидан, ёнидан, S +га + S +орқали кабилар бўлаолади.

1. Вариант S + дан иш-ҳаракатини макондан ўтишида содир бўлишини англатади:

Йўлдан ўткич-кеткичлар бобомизга ҳорманг айтади (ТМО, 6)

2. Вариант S + бўйлаб иш-ҳаракатини бир маконда давом этишини ифодалайди:

Эркаклар ариқ бўйлаб югуриб кетишди (ТММ, 161).

3. Вариант S + орқасидан объектнинг бир маконга етишида бошқа макондан ўтишини кўрсатади:

Оппоқ булутлар орасидан кун нурлари тўкилиб-тўкилиб турди (ШТ, 165).

4. Вариант S + ни оралаб иш-ҳаракати макон ичида рўёбга чиқишини ифодалайди:

Саид бирдан ўрмонни оралаб югуриб кетди (ПҚЮТ, 238).

5. Вариант S + дан ичкари иш-ҳаракатини бир макондан иккинчи макон ичкарисига йўналтирилади:

Меҳмонлар кўчадан ичкари югуриб киришди (РБАД, 174).

6. Вариант S + атрофидан / ёнидан каби бирикмалар ҳам локатив транслатив семани ифодалаганда, иш-ҳаракатининг макондан бошқа маконга ёки номаълум томонга йўналишини англатади.

Ошхона атрофидан бир нимани олиб қочди (ОЁҚД, 200).

7. Вариант S + га + S + орқали бирикмаси иш-ҳаракатини бир манзилга етиш учун бошқа манзилда кесишини ифодалайди:

Мамат бобо отланиб уйига пахтазор орқали кетди (ШОЗ,61).

## II боб бўйича хулосалар

1. Инглиз ва ўзбек тилларида локатив ёки ўрин холи иштирок этган гапларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилинганда, локативлик асосида локатив адессив , локатив аллатив, локатив аблатив, локатив транслатив, локатив объект, локатив инструментал ҳамда локатив тарз синтаксемалар ва уларнинг вариантлари аниқланди. Ушбу синтаксемалар категориал белгилардан субстанциаллик асосида таҳлил қилинди.

2. Ишда локатив адессив , локатив аллатив, локатив аблатив семаларнинг коннататив, факультатив ҳамда адвербиал вариантлари аниқланган бўлса, локатив транслатив семанинг предлогли ва адвербиал вариантлари аниқланди.

3. Коннататив вариантларни ифодаловчи birlikлар турлича предлогли от бирикмалардан ташкил топган бўлиб, уларни бирининг ўрнига иккинчисини эркин алмаштириб бўлмайди. Факультатив вариантлар эса ҳар хил предлоглар бирикиб келган от birlikларидаги бир семани ифодаловчи предлогларни бир-бири билан алмаштириш мумкин. Адвербиал вариант деганда ўз-ўзидан маълумки, ўринни ифодаловчи равишлар ёрдамида ифодаланadi.

4. Локатив адессив семанинг коннататив вариантлари инглиз тилида in + S, in/ on the opposite of + S, inside + S, in + S, round ёки around + S, out of + S, over + S ,above + S , near+ S , under + S, between + S, behind + S , in the middle of + S , along + S кабилар ёрдамида ифодаланса, ўзбек тилида S +да, S + ортида, S +адоғида, S +ўртасида, S +тарафда/томонда, S +устида, S +бурчида, S +ўнггида, S +қошида, S +четида, S +теварагида/гирдида, атрофида, S +лабида, S +юзида, S +пайида, S +орасида, S +бошида, S +ичида, S +остида, S +олдида кабилар ёрдамида берилadi.

5. Локатив адессив семанинг инглиз тилида факультатив вариантларини қуйидагиларга ажратиш мумкин: а) on + S, over + S, across + S; б) under + S, at the bottom of + S; в) behind + S, on the other side of + S, on + S; г) by + S, near + S, in front of + S; д) against + S, in/on the opposite of + S; е) in + S, inside + S; ё) in the middle of + S, in the centre of + S;

Ўзбек тилида ҳам локатив адессив семанинг факультатив вариантларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

а) S +(нинг) олдида, S + (нинг) ёнида; б) S + остида, S + тагида; в) S + теварагида, S + атрофида; г) S + тарафда, S + томонда.

### III Боб

## Инглиз ва ўзбек тилларида маконни ифодаловчи семаларнинг факультатив ва адвербиал вариантлари

### 3.1. Адессив семанинг факультатив ва адвербиал вариантлари

Факультатив вариант деганда локатив адессив семани ифодаловчи синтактик бирликларни бирини иккинчиси билан эркин алмаштириш мумкин. Уларнинг бирини иккинчиси билан алмаштирганда гапнинг мазмуни сезиларли даражада ўзгармайди.

Инглиз тили мисолида қаралганда адессив семанинг ифодаланишида предлогли от бирикмаларининг факультатив вариантлари ўзбек тили га нисбатан кенгроқ ифодаланади, чунки предлогларнинг кўп маъноли эканлигидан далолат беради. Предлогли бирикмалардан on+S, over+S, across+S факультатив вариант сифатида адессив семани ифодалаши назарда тутилганда, уларни бирининг ўрнига иккинчисини алмаштириш мумкин:

1. We all three sat round it on the grass (JKJ, 117) → We all three sat round it over the grass → We all three sat round it across the grass.

2. Under +S, at the bottom of +S предлогли бирикмалар ҳам факультатив вариантлар ҳисобланади:

We were at the bottom of the water (JKJ, 76) → We were under the water.

3. behind +S, on the other side of +S, on +S's+back бирикмалари ҳам бир-бири билан алмаштирилганда ҳам адессив сема сақланади:

They meant to have tea on the other side of the river → They meant to have tea behind the river → They meant to have tea on the river's back.

4. by+S, near+S, in front of+S предлогли бирикмалар адессив семани ифодалайди ва уларни ҳам бир-бири билан алмаштириш мумкин:

I took and furnished a small flat near Victoria Station → I took and furnished a small flat by Victoria Station → I took and furnished a small flat in front of Victoria Station.

5. against+S, the opposite+S:

We sat on the ground with our backs against the wall (EHFA, 35)→ We sat on the ground with our backs opposite the wall.

6. in+S , inside + S бирикмалари ҳам адессив семани ифодалаганда, уларни эркин алмаштириш мумкин:

They heard a footstep inside the house (WSM, 188)→ They heard a footstep in the house.

7. in the middle of + S, in the centre of + S бирикмалари ҳам эркин алмашади:

She stood in the middle of the studio (WSM, 25)→ She stood in the centre of the studio.

Ўзбек тили мисолида қаралганда, локатив адессив семанинг факультатив вариантлари жуда кам учрайди.

Вариант S+(нинг) олдида, S+(нинг) ёнида бирикмаларини бир-бири билан алмаштириш мумкин:

Шийпон олдида машиналар қатор бўлди (ТМО, 84)→ Шийпон ёнида машиналар қатор бўлди.

Меҳмонхонанинг олдида узун бир автобус бел бўлди (ШОЗ, 158)→ Меҳмонхонанинг ёнида узун бир автобус бел бўлди.

Вариант S+ остида, S+ тагида иш ҳаракати бирор объект тагида содир бўлишини англатади:

Зиёднинг онаси тол остида бухчани очади (РБАД, 75)→ Зиёднинг онаси тол тагида бухчани очади.

Ёнғоқ остида ҳам ухлар эдими? (РБАД, 177)→ Ёнғоқ тагида ҳам ухлар эдими?

Вариант S+ теварагида, S+ атрофида иш ҳаракатни макон атрофида бажарилишини, субъект ёки объектнинг макон атрофида жойлашишини ифодалайди:

Шоберди масжид атрофида юрибди (ТМО, 116)→ Шоберди масжид теварагида юрибди.

Вариант S+ тарафда, S+ томонда иш ҳаракати кўрсатилган манзилда бажарилишини англатади:

Бизнинг Сурхон тарафда хўжалар бекалар отини атамайди (ТМО, 26)→  
Бизнинг Сурхон томонда хўжалар бекалар отини атамайди.

Демак, ўзбек тилида локатив адессив семанинг факультатив вариантлари инглиз тилига нисбаттан кам сонни ташкил қилади, инглиз тили аналитик тиллар гуруҳига кириши билан келишик категориясининг йўқлиги ҳисобига предлоглар тизими ривожланган.

Инглиз тилида at+S, about+S, among+S, around+S каби адессив сема вариантлари ўзбек тилида эса S+ да, S+ (нинг) устида, S+ (нинг) орқасида, S+(нинг) қаршисида, S+(нинг) ўртасида, S+ (нинг) орасида кабиларнинг факультатив вариантлари йўқ.

в) Адвербиал вариантлар

Инглиз ва ўзбек тилларида локатив адессив семанинг вариантлари асосан ўринни ифодаловчи олмошлар ёки равишлар here – бунда, шу ерда, шу ернинг ўзида; there – ўша ерда, у жойда, у ерда; near – яқинида, ёнида; behind – орқада, кетида; within – ичида; outside – ташқарида, устида; upstairs – юқорида; inside – ичида, ички томонида; backward – орқа томонида; ashore – қирғоқда; around – атрофида, теварагида; past – ёнида, яқинида; where – қаерда; above – устида, тепасида; somewhere – бир жойда; nowhere – ҳеч қаерда, ҳеч ерда; everywhere – ҳамма ёқда, ҳамма ерда; anywhere – бирор жойда; below – остида; under – остида, тагида; downstairs – пастида, пастки қаватида; back – орқада; out – ташқарида; in – ичида ва ҳоказолар (35, 101).

Локатив адессив семанинг адвербиал вариантларини инглиз тили мисолида ифодаланишига кўра иккига бўлиш мумкин:

1. Олмошлар ёрдамида;
2. Предлоглар ёрдамида.

Ўзбек тилида эса қайд қилинган ўринни ифодаловчи равишлар ёрдамида ифодаланади.

Локатив адессив семаларни ифодаловчи адвербиал вариантлари гап қурилмасида иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилиши ўрнини феъл билан боғланиб, ундан англашган ҳаракатнинг жойини ёки манзилни билдиради.

Бу боради қайд этиш жоизки, инглиз тилида айрим предлоглар адвербиал элементларга айланиши мумкин. Масалан, А.И.Смирницкий шундай таъкидлайди “... инглиз тилида *in* элементининг турлича қўлланиши: *He was in the room, He came in* гапларида ҳол муносабатлар аниқ, аммо биринчи гапда *in* мустақил қўлланилмаган, яъни ёрдамчи вазифасида келган, иккинчи гапда эса мустақил маънога эга бўлиб, *in* тўлиқ маънода равишга айланган” (32, 174). Юқорида қайд этилган равишлар мустақил ишлатилганда равишга айланиб, локатив семанинг адессив, аллатив, аблатив, маъноларни ифодалаши мумкин.

*But he stayed downstairs and waited for them* (WSM, 183).

*He was there several weeks* (JKJ, 261).

У пастда қолди (ШОЗ, 38). Оқпошо шу ерда йиқилди (ТМО, 146).

Ўзбек тилида ҳам инглиз тилида ҳам адвербиал элементлар кўпинча гапда отга тобе бўлиб, у билан биргаликда субстанциал локатив адессив семани ифодалайди.

### **3.2. Аллатив семанинг факультатив ва адвербиал вариантлари.**

Локатив аллатив семанинг инглиз тилида адвербиал вариантлари *here, there, upstairs, downstairs, below, back, forward* ва ўзбек тилида *у ерга, шу ерга, тепага, пастга, тўғрига кабилар ёрдамида ифодаланади:*

1. *Here* равиши: *He used to come here with a blind begger he used* (RLS, 114).

2. *There* равиши: *Well I am going to be there several weeks* (THD, 48).

3. *Upstairs* равиши: *He climbed upstairs and watched them* (JKJ, 181).

4. *Downstairs* равиши: *But as he downstairs, he noticed that the bolts on the front door had been shot back* (HIW, 87).

5. *Below* равиши: *Minnie made no objection to this and Carrie put on her hat and went below* (THD, 76).

6. Back равиши: He was running back (TZ, 116).
7. Forward равиши: He stopped forward and handed Mrs Hall something (HW, 141).

Ўзбек тили мисолида:

1. Шу ерга равиши: Бу хона анча вақтдан бери бўм-бўш ётган экан. Шу ерга мени жойлаштирди (ЖСГ, 15).
2. У ерга равиши: Икки матрос у ерга қайтиб бориб, капитаннинг фармойишини олди (ЖСГ, 252).
3. Тепага равиши: Икки ҳамроҳим билан тепага қайтиб чиқдик (ЖСГ, 18).
4. Пастга равиши: Мен пастга тушиб ўртоқ Мирзабеков билан учрашдим (ҒҒА, 396).
5. Тўғрига равиши: Амаким тўғрига бориб Абдуфаттоҳни ибодатхонага чақириб келди (ҒҒА, 13).

### 3.3. Аблатив семанинг факультатив ва адвербиал вариантлари.

Локатив аблатив семанинг факультатив варианты сифатида from предлоги билан here, there равишларини олиш мумкин. Бундай факультатив вариантлардаги равишлар ҳар доим from + S бирикмасидаги от билан алмаштириш мумкин. Лекин ўзбек тилида адвербиал вариантлар бу ер, у ер ёки от бўладими, улар чиқиш келишиги маркери + дан ёрдамида ифодаланиди:

1. We got into the boat and raved away from the spot (JKJ, 117)→ We got into the boat and raved away from here/there .
2. She was galloping far from the cave (STA, 57)→ She was galloping far from here/there.
3. Бўри полвон кабинадан сакраб тушиб, даврага кирди (ТМО,55)→Бўри полвон бу ердан/ у ердан сакраб тушиб даврага кирди.
4. Шу боис – лик этиб жойимдан турдим(ТМО,181)→Шу боис – лик этиб бу ердан/у ердан турдим.

в) Адвербиал вариантлар

Инглиз ва ўзбек тилларида локатив аблатив семани ифодаловчи адвербиал вариантлар асосан инглиз тили мисолида from+ Adv ёрдамида берилса, ўзбек тилида ўринни ифодаловчи равишлар бу ер, у ер, чап, ўнг, паст, баланд кабиларга чиқиш келишиги кўшимчаси кўшилиши ёрдамида ифодаланади:

1. She took from there some money (STA, 48).
2. The water was filling from here (WSM, 47).
3. Ичкаридан Ойсулув қизимиз чиқиб келди (ТМО, 170).
4. Юқоридан бир машина катта келса, пастдан икки машина катта хамроҳ бўлиб келади (ТМО, 202).

### **3.4. Транслатив семанинг адвербиал вариантлари**

Локатив транслатив семани ифодаланишида асосан адвербиал элементлар here, шу ер, there, у ер, from here, шу ердан, from there, у ердан, hence, whence кабилар гап қурилмасида through предлоги бирикиб келса, ўзбек тилида эса шу ер, у ер равишлари орқали, тараф каби элементлар ҳамда сўроқ равиши where, предлоги through ёрдамида ифодаланса, ўзбек тилида эса қаер орқали, қайси тарафга, (-да, -дан) каби бирикмалар асосида ифодаланиши мумкин:

1. They took him through here (JKJ, 51).
2. They walked with difficulty through hence (WSM, 178).
3. Where did you go out through? (EHFA, 136).
4. Бир гап бўлса у ер орқали ёзади (ТМО, 67).
5. Сиз бу ер орқали юринг (РБАД, 166).
6. Оқпошо шу ер орқали Фарғонани босади (ТМО, 13).

### **3.5. Объект суманинг вариантлари**

Юқорида кайд қилганимиздек, локатив объект семани аниқлашда икки хил трансформация, яъни адвербиал элементлар here/there билан алмаштириш усули ёрдамида локатив сема аниқланса, трансформация

пассивизацияга айлантириш усули билан объект семани мавжудлиги исботланди.

1. Вариант through + S:

They passed through the sea (STA, 31) → They passed through there → The sea was passed through by them.

2. Вариант from + S:

He read out the fine passage from the perface (WSM, 72) → He read out the fine passage from there → The fine passage from the preface was read out by him.

3. Вариант at + S:

Somebody bangs at the door (JKJ, 95) → Somebody bangs there → The door was banged at by somebody.

4. Вариант into + S:

The merman dived into the sea(STA, 29) → The merman dived there → The sea was dived into by the merman.

5. Вариант to + S:

They dropped to the ground (EHFA, 42) → They dropped there → The ground was dropped to by them.

6. Вариант on + S:

Miss Barkley sat on a bench (EHFA, 142) → Miss Barkley sat there → A bench was sat on by Miss Barkley.

7. Вариант along + S:

The troops marched along the road (EHFA, 197) → The troops marched there → The road was marched along by the troops.

Мисолларнинг гувоҳлик беришича локатив семани ифодалашда предлогли бирикмаларнинг айримлари адвербиал элементлар билан алмаштирилганда through, from каби предлоглар сақланади, at, into, to, along предлоглари эса тушириб қолдирилади.

Ўзбек тили материалида локатив объект семанинг вариантлари асосан локатив семани ифодаловчи синтактик бирлик тушим келишиги қўшимчаси – ни ёрдамида берилганда, уни адвербиал элементлар билан алмаштирилганда

– ни морфологик кўрсаткич ҳам адвербиал элементларга қўшилади, аммо локатив объект семали гапларни трансформация пассивизацияга айлантирилганда – ни тушим келишиги кўрсаткичи тушиб қолади:

1. Оқпошшо сахарлайн Тошканни босибди (ТМО, 8) → Оқпошшо сахарлайн у ерни босибди → Тошкан сахарлайн оқпошшо томонидан босиб олинбди.
2. Мен Сурхон далаларини нишонладим (ШОЗ, 263) → Мен у ерни нишонладим → Сурхон далалари мен томонимдан нишонланди.
3. Дала шийпонини макон этди (ТМО, 263) → У ерни макон этдим → Дала шийпонини мен томонимдан макон этилди.

Баъзан гапларни мажхул нисбатга айлантирилганда гапнинг субъекти эксплицит тарзда ифодаланмаслиги мумкин:

1. Оқпошшо сахарлайн Тошканни босибди → Тошкан сахарлайн босиб олинбди.
2. Мен Сурхон далаларини нишонладим → Сурхон далалари нишонланди.
3. Дала шийпони макон этдим → Дала шийпони макон этилди.

### **3.6. Инструментал семанинг вариантлари**

Локатив инструментал семани аниқлашда ҳам икки хил метод – экспериментдан фойдаланиш мақсадга моликдир. Локативликни исботлаш усули ушбу семани ифодаловчи синтактик бирликларини here/there равишлари билан алмаштирилса, инструменталликни эса by dint of, by means of, by virtue of, with the help of, with the aid of бирликларни қўшимча қилиш трансформацияси ёрдамида аниқлаш мумкин. Инглиз тилида локатив инструментарал семанинг қуйидаги вариантларини учратиш мумкин:

1. Вариант on + S:

- 1) You must keep some way on the boat (JKJ, 85) → You must keep some way there → You must keep some way by dint of the boat;

2) You dream that an elephant has suddenly sat down on your chest (JKJ, 20) → You dream that an elephant has suddenly sat down there → You dream that an elephant has suddenly sat down by virtue of your chest.

2. Вариант out of + S:

1) He flung the watch down and sprang out of bed (JKJ, 99) → He flung the watch down and sprang out of there → He flung the watch down and sprang out by means of bed.

2) He would promptly climb out of the boat and sit on the bank (JKJ, 137) → He would promptly climb out of there and sit on the bank → He would promptly climb out by means of the boat, and sit on the bank.

3. Вариант in + S:

1) We returned to the little hospital in the ambulance (EHFA, 69) → We returned to the little hospital by virtue of the ambulance → We returned to the little hospital by means of the ambulance.

2) She was imprisoned like a rat in a trap (WSM, 161) → She was imprisoned like a rat there → She was imprisoned like a rat with the help of a trap.

4. Вариант by + S:

I got back by the boat (JKJ, 103) → I got back there → I got back by dint of the boat.

Ўзбек тилида эса S+ дан, S+ да, S+ га, S+ остига, S+ кетига каби вариантлар асосида локатив инструментал семалар ифодаланиши мумкин:

1. Вариант S+ дан:

1) “Садист” эшик тешигидан оҳиста овоз берди (ТМО, 235).

2) Машина ойнасидан уйимизга қарадим (ШОЗ, 223).

3) Деразадан ташқарига отиб юборди (ПҚЮТ, 101).

4) Орган олдида машинадан тушдим (РБАД, 143).

Келтирилган мисолларда локативликни аниқлашда қаердан? сўроқ қўйиш усули ёрдамида исботлаш мумкин:

1) “Садист” эшик тешигидан оҳиста овоз берди → “Садист” қаердан оҳиста овоз берди?

- 2) Машина ойнасидан уйимизга қарадим → Қаердан уйимизга қарадим?
- 3) Деразадан ташқарига отиб юборди → Қаердан ташқарига отиб юборди?
- 4) Орган олдида машинадан тушдим → Орган олдида қаердан тушдим?

Мисолларда инструменталликни ифодаланишини нима орқали?, нима ёрдамида?, нима туфайли?, нимадан? каби сўроқ қўйиш усули билан аниқлаш мумкин ёки S+ орқали, S+ ёрдамида, S+ туфайли бирикмаларни қўшимча қилиш трансформацияси асосида ҳам аниқлаш мумкин:

- 1) “Садист” нима орқали оҳиста овоз берди? → “Садист” эшик тешигидан оҳиста овоз берди.
- 2) Нима ёрдамида уйимизга қарадим? → Машина ойнаси орқали уйимизга қарадим.
- 3) Нима орқали ташқарига отиб юборди? → Дераза орқали ташқарига отиб юборди.
- 4) Орган олдида нимадан тушдим? → Орган олдида машинадан тушдим.

2. Вариант S+ да:

- 1) Сарик атлас экранда сап-сарик читга ўхшаб кўринади (ШОЗ, 209).
- 2) Машина кабинасида даврага қараб ўтирди (ТМО, 54).
- 3) Мармар тоштахта офтобда ялт-ялт этди (ТММ, 64).
- 4) Мен отамиз пинжида ёта бераман (ПҚЮТ, 27).

Мазкур гапларда локативлик семани аниқлашда қаерда? қаерида? каби сўроқ олмошлари ёрдамида сўроқ гапларга трансформация қилиш усули асосида ойдинлаштириш мумкин:

- 1) Сарик атлас қаерда сап-сарик читга ўхшаб кўринади ?
- 2) Машина қаерида даврага қараб ўтирди ?
- 3) Мармар тоштахта қаерда ялт-ялт этди ?

#### 4) Мен отамиз қаерида ёта бераман ?

Инструменталлик семани аниқлашда ҳам юқоридаги гаплардан S+ орқали, S+ ёрдамида, S+ туфайли бирикмаларни қўшимча қилиш усули асосида аниқлаш мумкин:

- 1) Сарик атлас экранда сап-сарик читга ўхшаб кўринади → Сарик атлас экран орқали сап-сарик читга ўхшаб кўринади.
- 2) Машина кабинасида даврага қараб ўтирди → Машина кабинаси ёрдамида даврага қараб ўтирди.
- 3) Мармар тоштахта офтобда ялт-ялт этди → Мармар тоштахта офтоб ёрдамида ялт-ялт этди.
- 4) Мен отамиз пинжида ёта бераман → Мен отамиз пинжи туфайли ёта бараман.

#### 3. Вариант S+ га:

- 1) Дарбандлик чавондоз улоқни тақимига босиб олди (ТМО, 135).
- 2) Оёғи учини тентак чап тўпиғига илдриб тортиб кўтарди (ТМО, 54).

Ушбу вариант ҳам қаерига? сўроқ олмоши орқали сўроқ гапга айлантириш натижасида локативлик сема аниқланса, инструменталлик сема эса S+ и орқали, S+ и ёрдамида кабиларни қўшимча қилиш трансформацияси ёрдамида аниқлаш мумкин:

- 1) Дарбандлик чавондоз улоқни қаерига босиб олди? → Дарбандлик чавондоз улоқни тақими орқали босиб олди.
- 2) Оёғи учини тентак қаерига илдриб тортиб кўтарди? → Оёғи учини тентак чап тўпиғи орқали тортиб кўтарди.

Ўзбек тили мисолида S+ остига, S+ кетига каби вариантлари ҳам мавжуд:

- 1) Бу сафар бойсунликлар улоқни от туёқлари остига бостириб олди (ТМО,125).
- 2) Мен трактор кетига тўрт қатор тиш уладим (ТМО, 110).

Бу гаплар ҳам юқорида кўрсатилган трансформация турларига мос келади.

Умумман олганда ҳар иккала тилда ҳам локатив инструментал семанинг ифодаланишида конкрет отлар, яъни транспорт воситаларини ҳамда инсон тана қисмларини ифодаловчи отлар ёрдамида ифодаланади.

### **3.7. Тарз семанинг вариантлари**

Инглиз ва ўзбек тиллари назарий грамматикаларида тарз семани “равиш ҳоли” атамаси билан ифодалайди. Аммо локативлик ифодалаган сема тарз семани ҳам ифодалашини ҳақида ҳеч қанақа сўз бормади (13, 29, 11, 22).

Инглиз тили мисолида локатив тарз семани ифодаланиш усуллари ишнинг (2.9) бўлимида берилган, унинг вариантлари қуйидагилардан иборат:

#### **1. Вариант to and from ёки to and from + in S:**

Бу бирикма ёрдамида иш ҳаракатининг макон ичида у ердан бу ерга ёки бу ердан у ерга иш ҳаракатининг бажарилишини англатади:

Miss Barkley walked to and from in the hospital (ENFA, 182).

Гапда to and from бирикмаси кесим ўрнида келган иш-ҳаракатини қуйидагича ифодаловчи walked синтактик бирликнинг қандай тарзда бажарилишини англатади. Чунки бу гап қуйидаги трансформация интеррогациясига тушади:

Miss Barkley walked to and from in the hospital → How did Miss Barkley walk in the hospital? ёки In what way did Miss Barkley walk in the hospital?

Вариант from + S + to + S: Бу бирикма ҳам бир объектдан ёки макондан иккинчи объектга ёки маконга қандай тарзда кўчишини ифодалайди:

- 1) The old woman ran from house to house (STA, 53).
- 2) Then the peahen flew down from tree to tree (STA, 85).
- 3) Seminarists came from college to college (WSM, 107).

Ўзбек тилида ҳам локатив тарз семанинг вариантлари S+ дан +S+ га, S+ ма +S кабилардан иборат.

- 1) Мен омборхонадан омборхонага бир орқа дорихалта орқалаб келдим (ТМО, 143).
- 2) Шодиполвон даврама давра кезди (ТМО, 82).
- 3) Биз ҳадемай бу дунёдан у дунёга кетамиз (ТМО, 43).

Инглиз тилида локатив тарз сема асосан to and from, from + S +to +S бирикмалари ёрдамида ифодаланса, ўзбек тилида S+ дан +S+ га, S+ ма +S моделлар асосида берилади. Локатив тарз сема ҳар иккала тилда ҳам локатив аблатив ва локатив семалар билан боғланади.

### **III боб бўйича хулосалар**

1. Локатив адессив семанинг адвербиал вариантлари инглиз ва ўзбек тилларида ўринни ифодаловчи олмошлар ёки равишлар here – бунда, шу ерда, шу ернинг ўзида; there – ўша ерда, у жойда, у ерда; near – яқинида, ёнида; behind – орқада, кетида; within – ичида; outside – ташқарида, устида; upstairs – юқорида; inside – ичида, ички томонида; backward – орқа томонида; ashore – қирғоқда; around – атрофида, теварагида; past – ёнида, яқинида; where – қаерда; above – устида, тепасида; somewhere – бир жойда; nowhere – ҳеч қаерда, ҳеч ерда; everywhere – ҳамма ёқда, ҳамма ерда; anywhere – бирор жойда; below – остида; under – остида, тагида; downstairs – пастида, пастки каватида; back – орқада; out – ташқарида; in – ичида кабилар ҳисобланади.

2. Локатив аллатив семанинг ҳам коннататив, факультатив, адвербиал вариантлари мавжуд. Коннататив вариантлари on+S, to+S, in+S, into+S, for+S, above+S, towards+S, across+S, under+S, against+S орқали берилса, ўзбек тилида S+ га, S+ тарафига, S+ олдига, S+ ичига, S+ остига, S+ ўртасига, S+ четига, S+ айланасига кабилар асосан динамик феъллардан кейин келади. Факультатив вариантлари: а) by + S, near + S, beside + S; б) to + S, towards +S; в) into + S, in + S; г) on + S, above + S. Ўзбек тилида S+ га ёки инглиз тилидаги предлоглар феълнинг лексик-семантик гуруҳига кўра on + S

→ S + устига, under + S → S + тагига, opposite + S → S+ қаршисига, in the middle of + S → S + ўртасига, behind + S → S + орқасига, near + S, by + S, beside + S → S + ёнига, in the deriction of + S → S + томонига кабилар ёрдамида ифодаланилади.

Адвербиал вариантлари here – бу ерга, there – у ерга, upstairs – тепага, downstairs – пастга, back – орқага, forward – тўғрига кабилар ёрдамида ифодаланади.

3. Локатив аблатив семанинг конотатив вариантлари from + S, out of + S, over +S, outside of + S, off + S, from under + S, from behind + S, ўзбек тилида S + дан, S + тарафдан, S + остидан, S + бошидан, S + орқасидан кабилар асосида ифодаланса, адвербиал варианты from + S → from here/there ўзбек тили мисолида эса ўринни ифодаловчи равишларга чиқиш келишиги кўшимчаси – дан кўшилиши ёрдамида берилади.

4. Локатив транслатив семанинг вариантлари асосан динамик феъллардан кейин along + S, through + S, via + S, round + S, across + S, over + S, S + бўйлаб, S + орасидан, S + ни орқали, S + ни оралаб, S + дан ичкари, S + атрофидан кабилар ёрдамида берилади. Адвербиал вариантлар from + here → шу ердан, from + there → у ердан, through here/there, hence → шу ер орқали кабилар билан ифодаланилади.

5. Локатив объект сема асосан through + S, from + S, at + S, into + S, to + S, on + S, along + S, ўзбек тилида эса асосан ўринни ёки жойни ифодаловчи отлар тушим келишиги кўшимчаси + ни ёрдамида ифодаланади. Локатив инструментал сема асосан транспорт воситаларини ҳамда тана қисмларини ифодаловчи отлар on, out of, in, by предлоглари билан бирикиб келиши ёрдамида берилса, ўзбек тили мисолида эса S+ дан, S+ да, S+ га, S+ остига/тагига кабилар асосида ифодаланади. Локатив тарз семанинг вариантлари to and from ёки to and from+in S, from S + to + S, ўзбек тилида S+ дан +S+ га, S+ ма +S кабилар ҳисобланади.

Умуман олганда, юқорида қайд этилган вариантлар гап қурилмасида кесим вазифасида келган феълнинг лексик-семантик гуруҳи ҳамда локатив сема ўрнида берилган предлоглар ёрдамида отларнинг маъноси ҳамда ўзбек тилида келишиқ қўшимчалари муҳим рол ўйнайди.

## Умумий хулосалар

Юқоридагилардан маълумки, инглиз тилида педлогларнинг маъноси кесим вазифасида келган феълларнинг семантик маъносига қараб мослашса, ўзбек тилида отнинг келишик категорияси асосий вазифани бажаради.

Маълумки, ҳозирги замон тилшунослигида дейксис назарияси ва уни ифодаланиш воситалари кенг қамровли эканлиги таниқли жаҳон олимларининг олиб борган тадқиқотлари тасдиқлайди.

Дейксис ҳодисаси “кўрсатиш”, “ишора”, “эслатиш” каби маъноларни англатиб, улар аниқ кўрсатиш, анафорик кўрсатиш, фараз қилинаётган объектни кўрсатиш ёки ишора қилиш нутқ фаолиятида намоён бўлади. Нутқ жараёнида ишора қилинаётган объект, шахс, макон, замон кабилар эксплицит ёки имплицит тарзида бўлиши мумкин.

Ушбу ишда асосан қўшма гаплар ёки микромаатн таркибида маконга ишора қилувчи воситаларни аслий маконни ифодаловчи синтактик бирликлар билан қиёсий таҳлил қилиш билан чегараландик.

Инглиз ва ўзбек тилларида субстанциал локатив синтаксеманинг вариантларини мураккаб қўшма гаплар ва микромаатнлар доирасида макон дейксисига тўхталиб, ушбу синтаксемаларнинг, яъни субстанциаллик сериясидан локатив адессив, локатив аллатив, локатив аблатив, локатив транслатив, локатив инструментал, локатив объект, локатив тарз синтаксемаларга ишора қилувчи макон дейксиси воситалари аниқланди ва улар ифодалаган субстанциал локатив синтаксема вариантларига мутаносиблиги ва номутаносиблиги қиёсий таҳлил қилинди.

Инглиз тили мисолида макон дейксиси воситалари асосан *here/there*, нисбий олмошлардан *where, which, behind which, through which, in the centre of which, in front of which*, кишилик олмошларидан *it, them*, гумон олмошларидан *anywhere* кабилар ҳисобланади. Ўзбек тилида эса бу ерда, шу ерда, бу ерга, шу ерга, у ерга, у ердан, ўша ердаги, бу ердаги, ўша ёққа кабилар орқали ифодаланади.

Макон дейктик воситалари ифодаланган синтаксемалардан локатив адессив ва локатив аблатив синтаксемалар бош гапда ифодаланган субстанциал локатив адессив ва субстанциал локатив аблатив синтаксемаларга мутаносиб бўлиб, кореферентлик вазифасини бажаради. Ушбу ҳолат ҳар иккала тилга ҳам хосдир.

Ундан ташқари инглиз тилида субстанциал локатив адессив синтаксеманинг антецедентлари локатив аллатив, локатив транслатив, локатив агентив, клавитативлик юклатилган локатив релятив синтаксемаларни ифодаланса, ўзбек тилида фақат локатив аллатив, локатив аблатив синтаксемаларни учратдик.

Субстанциал локатив аллатив синтаксеманинг антецедентлари локатив адессив, локатив релятив адессив, локатив аблатив, локатив релятив объект синтаксемалари ифодаласа, ўзбек тилида – локатив адессив ва локатив аблатив синтаксемаларни ифодалайди.

Юқорида қайд қилинган антецедентлар ёки маконнинг дейктик воситалари ифодаланган локатив синтаксема вариантлари ҳар доим ҳам субстанциал локатив синтаксеманинг вариантларига мос келавермайди. Демак, субстанциал локатив синтаксемани бир вариантынинг антецедентлари локатив синтаксеманинг бир неча вариантларини ифодаланиши мумкинлигининг гувоҳи бўлдиқ. Албатта, локативлик категориясини синтактик семаларга ажратиб қиёсий тадқиқ қилиш ҳамда микромазмунларда маконни кўрсатувчи дейктик воситаларни ҳам қардош бўлмаган тиллар мисолида қиёсий тадқиқ қилиш дейксис ҳодисаларининг лисоний янги қирраларини очиш ва уни янада бойитишдан иборат.

Локатив семаларнинг коннататив, факультатив ҳамда адвербиал вариантлари ҳам аниқланди. Локатив адессив семанинг коннататив вариантлари инглиз тилида in + S, in/ on the opposite of + S, inside + S, in + S, round ёки around + S, out of + S, over + S ,above + S , near+ S , under + S, between + S, behind + S , in the middle of + S , along + S кабилар ёрдамида ифодаланса, ўзбек тилида S +да, S + ортида, S +адоғида, S +ўртасида,S

+тарафда/томонида, S +устида, S +бурчида, S +ўнгида, S +қошида, S +четида, S +теварагида/гирдида, атрофида, S +лабида, S +юзида, S +пайида, S +орасида, S +бошида, S +ичида, S +остида, S +олдида кабилар ёрдамида берилса, локатив адессив семанинг инглиз тилида факультатив вариантларини қуйидагиларга ажратиш мумкин: а) on + S, over + S, across + S; б) under + S, at the bottom of + S; в) behind + S, on the other side of + S, on + S; г) by + S, near + S, in front of + S; д) against + S, in/on the opposite of + S; е) in + S, inside + S; ё) in the middle of + S, in the centre of + S; ўзбек тилида ҳам локатив адессив семанинг факультатив вариантларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин: а) S +(нинг) олдида, S +(нинг) ёнида; б) S + остида, S + тагида; в) S + тевагагида, S + атрофида; г) S + тарафда, S + томонда ҳисобланса, адвербиал вариантлари ҳар иккала тилда ҳам ўринни ифодаловчи олмошлар ёки равишлар ёрдамида инглиз тилида предлогсиз, ўзбек тилида олмошлар ҳам равишлар –да қўшимчаси орқали ифодаланади.

Шу йўсинда локатив семаларнинг вариантлари аниқланди. Локатив аллатив семанинг факультатив вариантлари: to + S, in+S, for +S, on +S, into+S, above +S, towards +S, under +S, against +S, across +S ; ўзбек тилида эса on + S → S +устига, under+S → S +тагига, opposite +S → S+қаршисига, in the middle of +S → S+ ўртасига, behind+S → S+орқасига, near+S, by+S, beside +S → S+ёнига, in the direction of +S → S+томонига кабилардан иборат. Адвербиал вариантлар эса инглиз тилида ўринни ёки маконни ифодаловчи равишлар предлогсиз динамик фўлларга боғланиб келса, ўзбек тилида равишларга жўналиш келишиги қўшимчаси –га қўшилиши ёрдамида ифодаланади.

Локатив аблатив семанинг коннататив вариантлари инглиз тилида from +S, out of +S, outside of + S, ўзбек тилида S + дан → off + S, outside of +S мос келса, from +S эса S+ дан, S + ёқдан ,S +адоғидан, outside of +S → S+дан ташқари, over +S → S + тарафдан кабиларга мос келади. Факультатив варианты from here/ there ↔ from +S, ўзбек тилида ўринни ифодаловчи равишларга –дан қўшимчаси ёрдамида ифодаланади.

Локатив транслатив семанинг инглиз тилида фақат предлогли ва адвербиал вариантлари мавжуд. Локатив транслатив семанинг инглиз тилида асосан along +S, through +S, via +S, round +S, across + S, over + S кабилар асосида ифодаланса, ўзбек тили мисолида S + бўйлаб, S + орасидан, S + дан ичкари, S + ни оралаб, S + ёнида, S + га S + орқали бирикмалар асосида берилади. Адвербиал вариантлари here – шу ерда, there – у ерда, from here – шу ердан, from there – у ердан, hence, whence кабилар билан ифодаланади.

Локатив объект семанинг асосан through + S, from + S, at + S, into + S, to + S, on + S, along + S, ўзбек тилида эса асосан ўринни ёки жойни ифодаловчи отлар тушим келишиги қўшимчаси + ни ёрдамида ифодаланилади. Инглиз тили мисолида through + S, from + S вариантларини адвербиал элементлар билан алмаштирилганда предлоглар through, from сақланади, лекин at +S, to +S, into+S, along + S лар алмаштирилганда предлоглар ҳам от билан бирга тушириб қолдирилади.

Локатив инструментал семанинг ҳам on +S, out of + S, in +S, by +S, S+ дан, S+ да, S+ га ,S+ остига\ кетига каби вариантлари мавжуд. Ушбу семанинг ифодаланишида ҳар иккала тилларда ҳам отлар тана қисмларини ёки транспорт воситаларини ифодаловчилар бўлгандагина локатив инструментал сема намоён бўлади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### Илмий-назарий манбалар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори . – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.- 64 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг умумий йиғилишида сўзлаган нутқидан. “Ўзбекистон овози”, 1994,9 июл.
3. Адмони Б.Г. Второстепенный член предложения в русском и немецком языках // Учен.записки,ЛГПИ. им.А.И.Герцена . 1960.- С.-3-11.
4. Акулова К.П. О разграничении обстоятельства и дополнения. В кн.: Вопросы германской филологии. Часть II. Ленинград. Изд-во ЛГУ, 1969.- С.3 - 10.
5. Алферов.А.В. Интеракциональный дейксис как средство организации речевого взаимодействия (на материале французского языка). Автореф.дисс. док.филол.наук. - Москва: МГЛУ,2001. - 37 с.
6. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. – Ленинград: Просвещение, 1979. – 259 с.
7. Ашурова Д.У. Восприятие иноязычного художественного текста // Преподавание языка и литературы. – Ташкент: 1997.- № 1. – С. – 46 - 50.
8. Афанасева О.Д. Коммуникативная недостаточность высказываний, содержащих ситуативный дейксис // История языкознания, Литературоведения. Москва: 1989. Вып,3 – С. 93-96.
9. Бенвенист Э. Общая лингвистика. – Москва. Прогресс, 1974.- 447 с.
10. Булаева Л.А., Меленчук Д.А., Петров С.С. Категориальная форма неопределенной дейктической идентификации (на матер. англ., рус и молд. языков) // Лингвистические основы преподавания иностранных языков. – Кишинев: Шткеница, 1989. С. 55-60.
11. Буслаев Ф.И. Историческая грамматика русского языка. Москва: Учпедгиз.1968. – 623 с.

12. Бэдэрэу Д.В., Булаева Л.А., Меленчук Д.А. Дейктические средства английского, молдавском и русском языках \\  
Лингвистические исследования научный, художественной и публицистической литературы. Кишинев, 1990, - С. 74-87.
13. Бюллер К. Теория языка. Репрезентативная функция языка. – Москва: Прогресс, 2000 – 525 с.
14. Вейнрейх У. О семантической структуре языка \\  
Новое в лингвистике. – Москва. Прогресс, 1970. Вып.5. – С. 163 – 249.
15. Жигадло И.М., Иванова И.П., Иофик Л.Л. Современный английский язык. Теоретическая грамматика. Москва: Изд-во. лит-ры. на иностр.яз. 1956. – 350 с.
16. Исломжонова Х. Стереотипная и субъективная номинация героя высказывания \\  
Преподавание языка и литературы. – Ташкент.1998.- № 2.- С. – 78-82.
17. Исломжонова Х. Обнаружение говорящего в высказывании: Автореф.дисс.докт.филол.наук.- Ташкент: НУУз.2000.- 33 с.
18. Илюшечкина Л.А. Социальный дейксис в русском и французском языках: материалы Всероссийской научной конференции. Кемерово:КГУ,1995.- С. 87-93.
19. Колшанский Г.В.Соотношение субъективных и объективных фактов в языке. – Москва: Наука, 1975.231 с.
20. Лайонз Дж. Введение в теоретическую лингвистику. – Москва: Прогресс, 1978. – 543 с.
21. Линский Л. Референции и референты \\  
Новое в заруб. лингвистике. – Москва: Прогресс, 1982, вып.3. – С. 161- 178.
22. Мешанинов И.И.Члены предложения и части речи. Москва: Наука,1978, - 378 с.
23. Падучева Е.В., Крылова С.А. Дейксис: общетеоретические и прагматические аспекты \\  
Языковая деятельность в аспекте лингвистической прагматики. – Москва: ИНИОН,1983. – С.66-87.

24. Попов Р.Н., Волкова Д.П., Маловицкий Л.Я., Федоров А.К. Современный русский язык. Москва: Просвещение, 1986, - 464 с.
25. Попова З.Д. К теории падежного значения. – Вopr.языкознания, 1970, №4,- С.- 81-91.
26. Петерокина В.Ф.О реализации некоторых дейктических категорий английского глагола в высказывании \ \ Лингвистические проблемы организации речевого сообщения. – Днепропетровск,1985. – С.74-76.
- 27.Почепцов Г.Г. Конструктивный анализ структуры предложения. – Киев. «Вища школа», 1971, - 192 с.
28. Рахимов С. Речевая коммуникация и проблемы дейксиса в разносистемных языках.- Ташкент: Фан,1989.- 89 с.
29. Рословец Я.И. О второстепенных членах предложения и их синтагматических функциях. – Вопросы языкознания,1976, №3 – С. 74-88.
30. Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. Тошкент: Ўзб. миллий энциклоп.2008. – 300 б.
31. Слепец .В.В.О некоторых синтаксемах в современном английском языке, выраженных относительным местоимением which // Структура и значения предложения //Лингвистические исследования, 1982. Москве: 1982. С.220-226.
32. Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. Москва: Иностран.лит. иностр. яз, 1957. - 286 б.
33. Стернин И.А. К проблеме дейктических функций слова. Автореф. дис. канд. филол. наук. – Москва. Ин-т.языкознания АН РФ,1973. – 18 с.
34. Ўзбек тили грамматикаси. Икки томлик. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976. – 560 б.
35. Уфимцева А. А. Типы словесных знаков. – Москва: Наука, 1985.
- 36.Хожиев А.Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Тошкент .Ўқитувчи ,1985. – 144 б.
37. Шаховской В.И., Жура В.В., Дейксис в сфере эмоциональной речевой деятельности \ \ Вопросы языкознания. – Москва, 2002. - №5. – С. 38-56.

38. Шейгаль Е.И. Количественно-оценочный дейксис в слове, словосочетании и предложении // Синтагматика слова, словосочетания и предложения.- Волгоград, 1988.- С.150-155.
39. Шерматов А.А. Инглиз илмий-техник матнда дейксиснинг ифодаланиши // Номзод дис-нинг автореферати: Тошкент:2008.- 22 б.
40. Шматова В.И. Дейксис в системе глагола современного английского языка: Автореф.дис.канд.филол.наук. – Москва: МГПИИЯ,1976. - 23 с.
41. Якобсон Р.О. Шифтеры,глагольные категории и русский глагол // Принципы типологического анализа языков различного строя. - Москва: Наука, 1972. – С.95 - 113
42. Юсупов У.К. Сопоставительное изучения языков как одно важнейших направлений в лингвистике // Актуальные проблемы русской филологии и методики обучения к языку и литературе. Ташкент:2003, - С.176-178.
43. Anderson S., Keenan E. Deixis // Language Typology and Syntactic and Description. - Cambridge: Cambridge University Press, 1985.- P.259-308.
44. Ballmer Th., Brennenstuh W. Speech Act classification. A study in the lexical analysis of English Speech activity verbs. – Berlin – Heidelberg –New York: Springerverlag, 1981.- 276 p.
45. Buranov J.B., Yusupov U.K., Irisqulov M.T., Sodikov A.S. The Grammatical structure of English, Uzbek and Russian. Part I. Tashkent: Ukituvchi, 1986.- 310 p.
46. Clark E. Normal States and Evaluative Viewpoints // Language, 1974, v.50. № 2, - P.316-332.
47. Ehlich K. Anaphora and deixis: Same, Similar or Different? // Speech, Place and action: Studies in deixis and related Topics. – Chisester etc.: Wiley, 1982. - P. 315-338.
48. Fromkin V., Rodman R. An introduction to language. – Font Worth, Philadelphia, San Diego, New York and etc.: Hercourt Brace Jovanovich College publishers, 1993. – 544 p.
49. Fillmore Ch. Lectures on deixis .Center for the Study of Language and Information. – Leland Stanford Junior University. CSLI Publication, 1997.-61p.

50. Fillmore Ch. Santa Cruz Lectures on Deixis. 1971. Bloomington: Indiana University Linguistics Club, 1975. – 186 p.
51. Hanks W. F. The indexical ground of deictic reference // Rethinking Content. Language as an interactive phenomenon. – Cambridge: Cambridge University Press, 1992. – P.43-76.
52. Helmbrecht Johannes. Politeness Distinctions in second person pronouns // deictic Conceptualization of Space, Time and Person. – Amsterdam / Philadelphia; John Benjamin's Publishing Company, 2003. – P/. 185-201.
53. Hornby A.S. Oxford Student's Dictionary of Current English. Moscow – Oxford: Prosvesheniya Publishers, Oxford University Press, 1983. – 769 p.
54. Huddleston R., Pullum J.K. Cambridge Grammar of the English Language. New York – Cambridge University Press, 2002. – 302 p.
55. Ilyish B.A. The Structure of Modern English. – Ленинград: Просвещение. 1971.- 378 p.
56. James C. Contrastive Analysis. Longman Group LTD. 1983. - 148 p.
57. Krusinga E.A. The Structure of American English. – New York. Wiley, 1998. -312 p.
58. Levinson Stephen C. Pragmatics. – Cambridge University Press, 1983. - 419 p.
59. Lyons J. Semantics, vol. I and II. – Cambridge: Cambridge University Press, 1977. – 897 p.
60. Palmer F.R. Semantics a New Outline. Cambridge University Press. – Moscow: Vyshaja skola, 1982. - 112 p.
61. Raul G. Tenses as Deictic Categories // Essays on deixis. Tübingen, 1983. – P. 226-234.
62. Sweet H.A. New English Grammar, Logical and Historical. – Part – I. Oxford; Clarendon Press, 2004. – 520 p.
63. Zandvoort R.W. A Handbook of English Grammar. Groningen, 1998. – 436 p.

### **Интернетдан олинган манбалар:**

64. HTML:// mcu.edu.tw/-ssmith/ling/fall2007syntax2.ppt
65. [http://www.nwg-negation.de/englisch/pdf/Luendtke Kaup2006.pdf](http://www.nwg-negation.de/englisch/pdf/Luendtke_Kaup2006.pdf).
66. <http://cogweb.ucl.edu/abstracts/deixis95.html>
67. <http://www.dialog-21.ru/archiverarticle.2002>.

### **Бадий манбалар ва қисқартмалар изохи**

#### **Инглиз тилида:**

1. CDFS – Carter D. Fatherless Sons. – Moscow: Foreign Language publishing House. 1959.- 515 p.
2. ENFA – Ernest Hemingway. A Farewell to Arms.- Ленинград .1971.- 263 p.
3. PJAP – Priestley J. Angel Pavement. Moscow: Progress, 1974. - 564 p.

#### **Ўзбек тилида:**

4. АДК- Асад Дилмурод. Кўчки (қисса ва ҳикоялар). – Тошкент, 1991.  
– 396 б.
5. РБАД – Раҳим Б. Армонли дунё. – Тошкент:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. - 170 б.
6. ТМО – Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом (қиссалар). Тошкент,1994.464 с.

